БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (268)
22 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

27 февраль, якшанба куни—Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳамда маҳаллий Советларга сайлов куни.

ҲАММА САЙЛОВГА!

Сайловни пухта тайёргарлик блан кутиб олайлик

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми ва СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорларидан илҳомланган республикамиз меҳнаткашлари республика Олий Совети ва маҳаллий Советлари сайловлари шарафига зўр ижодий ғайрат, ташаббус кўрсатиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Совет халқи Коммунистик партиямиз томонидан ишлаб чиқилган коммунизм қуриш сиёсатини, Совет давлати куч-қудратини янада ошириш, ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш сиёсатини, халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган доно ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватламоқдалар. Чунки бу сиёсат совет халқининг ҳаётий манфаатларини ифодалайди. Бу сиёсат мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини бениҳоя тез юксалишига, халқ моддий фаровонлигининг узлуксиз ошиб боришини та'минлашга қаратилгандир.

Республика олий ва маҳаллий органларига сайлов кампанияси халқ оммасининг юксак сиёсий активлиги ўсган шароитда, партия, ҳукумат ва халқ бирлиги янада мустаҳкамланган, қудратли кучга айланган шароитда ўтмоқда.

Ишчилар, колхозчи деҳқонлар, интеллигенциямиз, партияли ва партиясизлар оммаси ўзларининг энг яхши ўғил ва қизларини давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органлари депутатлигига кандидат қилиб кўрсатдилар. Коммунистлар блан партиясизлар блокининг халқ кандидатлари — халқ хизматкорларидир, улар халқ нажазини бажарадилар. Коммунистлар блан партиясизлар халқ блоки кандидатлари учун овоз бериш блан совет кишилари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига мустаҳкам жиплашганликларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатадилар.

Сайловга тайёргарлик совет органлари ишларини янада яхшилаш, уларнинг янада аниқ ишлашини та'минлаш, давлат органларининг халқ блан алоқасини янада мустаҳкамлаш шиори остида ўтмоқда. Депутатликка кандидатлар блан учрашган сайловчилар совет ва хўжалик органлари ишларидаги камчиликларни ҳартарафлама очиб ташладилар, шаҳар ва район ижроия комитетлари олдига омма блан алоқани янада мустаҳкамлаш, уй-жой ва коммунал қурилиши соҳасида, шаҳар ободончилиги соҳасида янги-янги таклифлар киритдилар. Сайловчиларнинг талабларига сезгирлик блан қулоқ солиш, уни қондириш тадбирларини кўриши — ҳарбир депутатнинг, қишлоқ, район, шаҳар Советлари ижроия комитети ходимларининг бурчидир.

Ҳозирги кунда партия ташкилотлари сайловчилар ўртасида сиёсий агитация ишларини ҳартомонлама қизитиб юборидлар. Кенг агитаторлар армияси ўзларига биркитилган участкаларда кандидатлар тўғрисида, партия ва ҳукуматимизнинг доно ички ва ташқи сиёсатининг буюк ҳаётийлиги тўғрисида агитация ишлари олиб бормоқдалар. Сайлов комиссиялари бўлса сайловга ташкилий-техник жиҳатдан тайёргарлик ишларини асосан тамомладилар. Тошкент район Ленин қишлоқ Совети марказидаги 1-нчи сайлов участкасида (раиси М. Абдуллаев) сайловга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. Сайлов участкаси яхши безатилган, сайлов кабиналари овоз бериш учун тайёр. 40 га якин агитатор сайловчилар ўртасида сиёсий агитация ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳар молия-иқтисод институти биносига жойлашган 41-нчи сайлов участкасида ҳам сайловга тайёргарлик ишлари пухта ташкил қилинди. Бундай мисолларни жуда ҳам кўп келтириш мумкин.

Аммо ба'зибир сайлов участкаларида сайлов яқинлашиб қолганлигига қарамасдан, тайёргарлик ишлари тамомланмаган. Тошкент шаҳар Сталин район Марказий кутубхонасига жойлашган 47-нчи сайлов участкасида (раиси А. Морозов) ташкилий тайёргарлик ишлари олиб борилмаётир. Участкада ҳозиргача сайлов кабиналарини тайёрлашга киришилмаган. Шунингдек, Сталин район 2-нчи участка ҳалқ суди биносига жойлашган 54-нчи сайлов участкасида ҳам аҳвол қониқарли эмас.

Сталин район партия комитети ва унинг пропаганда ва агитация бўлими, район ижроия комитети бундай камчиликларни тезда тугатиш чораларини кўриши, сайловчилар ўртасида сиёсий агитация ишларини янада кучайтириб юбориш тадбирларини кўришлари керак.

Муҳим вазифа — сайловга ташкилий-техник жиҳатдан тайёргарлик ишларини тезда тамомлашдан иборат. Шаҳар, район Советлари ижроия комитетлари сайловларга тайёргарлик ишларини синчиклаб текшириб чиқишлари, сайлов участкаларининг аҳволи блан яқиндан алоқада бўлишлари керак. Сайлов ўтказиш учун зарур аш'ёлар, бинолар, алоқа воситалари тахт қилиб қўйилиши керак. Сайловчиларга сайлов куни ва сайловнинг бошланиш вақтини олдиндан ма'лум қилиш керак. Сайловчиларга ўзларининг овоз беришдек муқаддас ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча имкониятларни яратиб бериш зарур. Сайлов участкаси ҳартомонлама яхшилаб безатилиши, сайлов куни сайловчилар учун концерт қўйиб бериш, танца ташкил этиш ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиш зарур.

Сайлов кампаниясида партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг бошқа барча жамоат ташкилотлари, маданий ташкилотлар актив қатнашадилар. Сайловни ташкилий, юксак сиёсий кўтаринкиликда ўтказишни та'минлаш партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Республикамиз Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловлар совет кишиларининг юксак сиёсий ва меҳнат активлигини, социалистик Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатини кўрсатади.

Давлат ҳокимиятининг олий органлари ва маҳаллий органларига сайловлар совет халқи ма'навий-сиёсий бирлиги, халқлар дўстлиги ва совет ватанпарварлигининг буюк куч бўлиб қолгандигини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет интеллигенцияси коммунизм қуриш ишига ҳақиқатан ҳам бел боғлаганлигини кўрсатади. Бу сайловлар партия, ҳукумат ва халқ бирлигининг буюк намойиши бўлади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номли электросварка институтини Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номли электросварка институти ташкил этилган кунинг йигирма йиллиги муносабати блан ва бу институтнинг электросварканы ривожлантириш соҳасидаги катта хизматларини тақдирлаб, Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номли электросварка институти **Меҳнат Қизил Байроқ** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль
1955 йил 19 февраль.

Областимизда



Оҳангарон қурилиш бошқармасининг бинокорлари яқинда брикет фабрикасини фойдаланишга топширдилар. Бу корхона Ўрта Осиёдаги биринчи брикет фабрикаси бўлиб, у йилига бирнеча юз минг тонна юқори сифатли брикет ишлаб чиқаради. **Суратда:** фабриканинг умумий кўриниши.

А. Аверьянов фотоси.

☆ ☆ ☆

Пахта тайёрлашда янги механизация

Етиштирилган ва йиғиб-терив олинган пахта ҳосилини тезда қуритиб, тозалаб, давлатга топшириш масаласи ҳам муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифани муваффақият блан ҳал қилиш мақсадида пахта тайёрлаш пунктлари ҳузурида қуритиш-тозалаш цехлари қуриш тадбири белгиланди. Бундай цехлар — пахта тайёрлаш ишини механизациялаштириш соҳасида эришилган янги ютуқдир. Қуритиш-тозалаш цехлари колхоз ва совхозларда пахта тайёрлашни теезлаштиришга, пахтакорларнинг ишини анча енгилаштиришга имкон беради.

Бу йил республикамизда 97 та, жумладан Тошкент областида 15 та қуритиш-тозалаш цехлари қурилади. Бундай цехларнинг проект ва сметаларини тузиш Тошкентдаги 4-нчи лойиҳалаш институтига топширилган. Институт коллективи бу муҳим заказни тезроқ тайёрлаб бериш учун зўр ғайрат блан ишламоқда. А. Афонин, А. Володина, А. Лесина ва С. Елецкий ўртоқлар бошчилигидаги бўлим ходимлари бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўлмоқдалар. Институт коллективи янги заказни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладитан сайловлар кунигача тўла бажариш учун астойдил интилмоқда. Ҳозир 70 дан кўпроқ қуритиш-тозалаш цехларининг хужжатлари тайёрланди.

М. ИВАНОВ.

Цемент ишлаб чиқариш кўпаймоқда

Оҳангарон цементчилари Москвада бўлиб ўтган бинокорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Мурожаатига жавобан цемент ишлаб чиқаришни барча имкониятлар блан ривожлантирмоқдалар. Кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш, айланма печьларнинг ва цемент тегирмонининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва технология процессларини такомиллаштириш юзасидан анча ишлар қилинди. Шу йили техниканинг сўнгги ютуқлари асосида қурилган майдалаш цехи ишга туширилади.

Я. ПАВЛОВ.

Район маркази обод бўлмоқда

Верхне-волинск районининг ташкил этилганига ҳали 3 йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин ана шу қисқа муддат ичида район марказининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, у кун сайин обод ва кўркам бўлмоқда.

Ўтган йилнинг кузида 34 хонадан иборат Советлар уйининг чиройли биноси қурилиб тамомланди. Бу бинога район ижроия комитети ва унинг барча бўлимлари, район партия ва комсомол ташкилотлари кўчиб ўтдилар. Бундан ташқари район марказида янги сельмаг, хозмаг, район матлубот союзи, райзаготживсир'ё учун бинолар, болалар боғчаси ва яслиси, катта ошхона биноси қурилди.

Ҳозир район марказида электростанция, тайёр кийимлар магазини ва продмаг магазинларининг ҳам қурилиши асосан тамомланди. Шу кунларда ҳаммом ва культмаг биноларини қуришга киришилди.

Бундан ташқари райондаги ҳар иккала МТСда ишчи, техник ходимлар ва хизматчилар учун ўнлаб икки-уч хонали уйлар қуриб берилди.

Ҳозир ҳар иккала МТСда ҳам кўп ўринга эга бўлган ошхоналар тез сур'атлар блан қурилаётир.

Намунали магазин

Қорасув районидаги 20-нчи китоб магазини аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Магазинга ҳархил янги китобларнинг кўплаб келтиришини планнинг ортиғи блан бажарилишини та'минламоқда. Магазин 1954 йил учун белгиланган планни 106 процентга етказиб бажарди ва область бўйича биринчиликни олди.

Магазин мудири ўртоқ Р. Мирзаев «Ташоблкниготорг» конторасиси томонидан ҳурмат қоғози ва пул блан мукофотланди. Магазин учун Қўйлиқ қишлоқ совети марказида янги бино қурилиб, 1955 йилнинг январь ойида ишга туширилди. Магазин ишга туширилган дастлабки кунинг ўзидаёқ 20 минг сўмлик китоб келтирилди.

Т. АЙЧУВАКОВ.

Сайлов шарафига

Фарҳод ГЭСи — совет Ўзбекистонининг фахридир. Бу гигант корхона кўпгина саноат корхоналарини, колхоз хўжаликларини электр қуввати блан та'минлайди. Ўтган йилнинг ўзида ГЭС да белгиланган нормадан ташқари бирнеча ўн минг киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. ГЭС коллективи корхонанинг ишлабчиқариш қувватини оширишда катта ташаббускорлик кўрсатмоқда. Республика Олий Совети ва маҳаллий Советларига бўладиган сайловлар шарафига ГЭС ишчи ва хизматчилари зўр ғайрат блан ишлаб, йилдан-йилга кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

В. ВАНДИШЕВ.

КОММУНИСТЛАР БЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР ҲАЛҚ БЛОКИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ

Раиса

1947 йилга келиб Назира илғор агротехника қоидаларига риоя қилиб, пахтадан қандай қилиб мўл ҳосил олиш йўлларини билиб олган эди. У шу йили ўз звеносига қарашли 11 гектар ернинг ҳар гектаридан 75 центнердан пахта ҳосили олиш мажбуриятини олди. Звено а'золари Назиранинг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Аввало ер сифатли шудгор қилинди, чигит эса 1 апрельгача экиб бўлинди. Звено а'золари ёз бўйи ғўзани яхшилаб парвариш қилиб, қондириб суғордилар, 4 марта маданий ва маҳаллий ўғит блан озиқлантирдилар. Ҳарбир ғўза тупида 30—40 тадан қўсак етиштирилди. Звено а'золари йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўрдилар. Уларнинг ҳарбири мавсумда 10—15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олди. Ҳалол меҳнат ўз самараларини берди: ҳар гектардан мажбуриятдаги 75 центнер ўрнига 88 центнердан ҳосил олинди. Юқори ҳосил учун ёш пахтакор қиз Назирага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони номи берилди. Назиранинг пахтадан юқори ҳосил етиштиришдаги илғор иш тажрибаси республикага тарқалди.

Партия ва комсомол ташкилотлари, колхоз коллективи ишчан қизни меҳрибонлик блан тарбиялади, унинг ўсиб-улғайишига кенг шароит туғдириб берилди. Назира бирмунча вақт район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлади. У ўз сиёсий савиясини ошириш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия мактабига кириб ўқиди. Мактабни муваффақиятли тамомлаганидан сўнг район партия комитетининг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири вазифасига тайинланди. Сўнгра «Ҳақиқат» колхози партия ташкилоти секретарьлигига сайланди.

Назира Йўлдошева партком сифатида колхоз хўжалигини ҳартарафлама ривожлантириш, колхозчиларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини яхшилаш тўғрисида қайғирди. 1953 йилда «Ҳақиқат» колхозининг а'золари ишчан Назирани колхозга раис қилиб сайладилар.

Назира пахтачиликни ривожлантириш соҳасида анчагина ишларни амалга оширди: илғор агротехника қоидаларини далиллик блан колхоз ишлабчиқаришига жорий қилди. Колхозчилар фидокорона меҳнат қилиб 1954 йилда 630 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 36 центнердан ҳосил топширдилар. Бу 1952 йилдагига қараганда 5 центнер кўп эди. Пахтадан мўл ҳосил етиштирилиши орқасида колхозчиларнинг фаровонлиги ошмоқда, колхоз қишлоғи эса янада обод ва кўркам бўлиб бормоқда.

Катта рўзғорнинг муносиб бошлиғи Назира Йўлдошева 1954 йилда Москвага, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига бориб келди. Виставкада кўриб келган илғор иш методларини колхоз ишлабчиқаришига жорий қилабошлади. Колхоздаги сигирларни қўлда боқишга ўтилди.

Назира Йўлдошева колхоз хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида жон куйдириб ишлаётир Колхозда чигитни янги, прогрессив усулда экишга ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

«Ҳақиқат» колхози а'золари ва район меҳнаткашлари актив жамоатчи, жонкуяр раҳбар Назира Йўлдошевани Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатдилар. У Сирдар'ё сайлов округидан овозга қўйиш учун рўйхатга олинди. Сайловчилар муносиб кандидат Назира Йўлдошевага якдиллик блан овоз беражакларини билдирмоқдалар.

З. РАҲМОНОВ,
Сирдар'ё райони.

Кўкламги экишга тайёргарликни ҳартомонлама кучайтирайлик

Партиямиз Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари колхозчилар, МТС механизаторлари ва совхоз ишчиларини янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда. Улар партиямиз қарорларига жавобан фидокорона меҳнат қилиб, 1955 йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлаш учун курашмоқдалар. Илғор пахтакорлар ва механизаторлар ички имкониятлардан тўла, унумли фойдаланиб, ер ҳайдаш, техникани янги усулда ишлашга мослаштириш топшириғини намунали бажармоқдалар. Маҳаллий резервлардан тўла фойдаланаётган, қишлоқ хўжалигининг кундалик вазифаларини ўз вақтида ҳал этаётган, қишлоқ хўжалиқ ишлабчиқаришининг майда-чуйдаларигача билиб олган, колхозларга ва совхозларга ишнинг кўзини билиб, конкрет раҳбарлик қилаётган партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари кўклам экин кампаниясига ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозининг правлениеси ва партия ташкилоти барча кучларни тўла сафарбар этиб, кўкламга тайёргарлик ишларини ҳартарафлама кучайтириб юборишга эришди. Ҳозир колхозда ер ҳайдаш, ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш юзасидан берилган топшириқлар намунали адо этилмоқда.

Лекин, Ўртасарой район партия комитети ва район ижроия комитети барча колхозларда ҳам кўкламга тайёргарлик ишларини ҳартарафлама кучайтириб юборишга эришгани йўқ. «Полярная звезда» колхозига қўшни бўлган Сталин номли колхозда ҳозирга қадар бир гектар ҳам ер экишга тайёр қилинмаган. Колхоз раҳбарлари бўлса, кунлар исиб, дала ишларини ҳартарафлама кучайтириб юборишнинг учун қулай пайтлар ўтиб кетаётганлигига қарамай, ҳанузгача, «қиш чиққани йўқ, ҳали вақт эрта» деб хотиржам бўлиб юриптилар. Ўртасарой районидаги кўпчилик колхозларда ҳам шундай кайфиятда юрган раҳбарлар бор. Район партия комитети ва район ижроия комитети ҳал қилучи кунлардаги бўшашгучиликка барҳам бериш, дала ишлари сур'атини кучайтириш тўғрисида амалий тадбирлар кўрмаётир. Районда ер ҳайдаш, техникани янги усулда ишлашга мослаш, маҳаллий ўғит жамғариш каби энг зарур ишлар ҳам ғоятда суст, қониқарсиз бажарилмоқда. Шу вақтгача 10 процентга яқин маҳаллий ўғит тайёрланганлиги, 60 процентга етаретмас ернинг ҳайдалганлиги дала ишларининг жуда ҳам суст бораётганлигини кўрсатади. Бундай қолоқликка бутунлай чек қўйиш керак.

Ўртасарой район партия, совет, хўжалик ташкилотлари ҳамда колхоз ва МТС раҳбарлари дала ишларини ҳартарафлама пухта ташкил этишлари, кўкламга тайёргарликни кучайтириб юборишлари зарур.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўпгина МТСлар трактор ва экиш агрегатларини қайта ускуналашни тугалаётган бўлсалар ҳам, лекин бу механизмларнинг анчагинаси дастлабки синов давридаёқ сифатсиз ремонт қилинганлиги, ёмон мослаштирилганлиги ма'лум бўлиб қолмоқда Кечагина МТС устахонасидан чиқарилган «универсал» ёки культиватор колхозга етиб келмай бузилиб қолмоқда ёки мослаштириш даврида янгидан уланган жойлари бужилиб, синиб кетаётир. Мослаштириш ва ремонт сифатли ўтказилмаса, чигит экиш ишлари оммавий бошланиб кетган пайтда агрегатларнинг ўхўп қисми ишдан чиқиб қолиб, оқибатда экиш муддати чўзилиб кетиши мумкин.

Чигитни квадрат-уялаб экиш усулини яхши ўрганиб олмасдан туриб, бу ишни талабга мувофиқ ўтказиб бўлмайди. Шундай бўлишига қарамай кўпчилик район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари бунга етарли э'тибор бермаётирлар. Чигит экишга саноқли кунлар қолаётган бўлса ҳам, юзлаб бригада, звено бошлиқлари, тракторчилар янгича экиш усулини билиб олганлари йўқ. Ба'зибир районларда янги усул блан қандай қилиб чигит экиш тўғрисида бир-икки марта лекция уюштириш блан иш ояланилмоқда. Ўртачирчиқ, Октябрь районларида чигитни янги усулда қандай экилиши пахтакорларга амалий кўрсатилмаётир. Ҳатто шу районлардаги кўпчилик колхоз раислари, бригада бошлиқлари ҳам бу усулда чигит экишни тўла тасаввур қилмасликлари кечирилмас бир ҳолдир. Раҳбар партия, совет, қишлоқ хўжалик ходимлари, бригада, звено бошлиқлари, механизаторлар чигитни янги усулда квадрат-уялаб экиш қоидаларини практикада ҳартомонлама чуқур ўрганиб олишлари зарур.

Бу йил қиш фаслида об-ҳавонинг бирмунча қуруқ келиши ерларга запас сув беришни талаб этади. Агар шундай қилинмаса, тупроқ қуришаб қолиб, чигит экилгандан кейин унинг ернинг табиий нами блан униб чиқиши мумкин бўлмай қолади. Натижада чигит суви берилди ва ғўзанинг сувҳўр бўлиб қолиш мажбурияти туғилади.

Маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари запас сув беришта э'тибор қилишлари, бу соҳадаги тадбирларни тўла амалга ошириш учун етарли даражада ишлар, механизмлар ажратишлари керак. Ерларга запас сув бериш кечикиб ўтказилса, кўкламги ишларнинг ҳам чўзилиб кетишига сабаб бўлади.

Бу йил областимиз пахтакорлари, механизаторлари олдида она-Ватанга ҳарқачонгидан ҳам кўпроқ пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш вазифаси турипти. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилмоқ учун даставвал кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш зарур. Тракторлар, культиваторлар, сеялкаларнинг сифатли ремонт қилиниши, чигит экишни қисқа вақт ичида, агротехника қоидалари асосида ўтказишнинг гаровидир Шунга эришмоқ керакки, квадрат-уялаб экишга мослаштирилган «универсал»лар ва бошқа тирков машиналари экиш кампаниясигача тахт қилиб қўйилсин.

Район партия ва совет ташкилотлари кўкламга тайёргарлик кўришлаги ишларга оператив раҳбарлик қилишлари зарур. Тракторлар ёнилғи, сув ташучилар блан та'минланган бўлиши, тракторчиларга қулай маданий-маиший шароит яратиб берилиши керак. Бу ишнинг сифатли бўлишини ва унинг сур'атини кескин равишда оширишда ҳал қилучи роль ўйнайди.

Партия ва ҳукуматимиз республика пахтакорлари олдига, шу жумладан область меҳнаткашлари олдига саноат учун энг қимматли хомаш'ё бўлган пахта ҳосилини оширишдек шарафли вазифани қўйди. Бу вазифани тўла адо этиш—барча пахтакорлар, механизаторлар ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг жангговар ишидир.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни олдидан

Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 37 йиллиги байрамига кенг тайёргарлик кўрилмоқда. Корхоналар, колхозлар, муассасалар ва ўқув юртларида Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари тўғрисида лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Фрунзе шаҳридаги область кутубхонаси (Қиргизистон ССР) совет Қуролли Кучларининг қаҳрамонона ишларини тасвирловчи катта тасвирий-китоб виставкасини ташкил этди.

Одессада шаҳар миқ'ёсида денгиз спорти, ёшлар авиамоделизми, отиш спорти мусобақалари ўтказилди. Ишчилар ва студентлар клубларида Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари блан учрашувлар ўтказилмоқда. Шу кунларда Улуғ Ватан урушида Одесса мудофаси давлат музейига келучилар кўпайди.

Первоуральск шаҳри (Свердловск области) кутубхоналарида совет жангчиларининг қаҳрамонлик зафарларига бағишлаб бадиий адабиёт виставкалари ташкил этилди. ДОСААФ шаҳар комитети отиш-мерганлик мусобақалари ўтказди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ ШАҲАР X ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кеча Навоий номидаги опера-балет театрида Тошкент шаҳар X партия конференцияси очилди.

Эрталаб соат 11. Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг топшириғига биноан конференцияни шаҳар партия комитетининг секретари Ўрток М. А. Абдураззоков очди.

Конференция президиумни сайлайди.

Юксак кўтаринкилик блан фахрий президиумга КПСС Марказий Комитетининг Президиум а'золари сайланадилар.

Сўнгра конференция секретариат ва мандат комиссиясини сайлайди.

Қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. Тошкент шаҳар партия комитетининг иши ҳақида ҳисобот.
2. Ўзбекистон КП шаҳар ревизия комиссиясининг иши ҳақида ҳисобот.
3. Сайловлар:
а) шаҳар партия комитетини сайлаш;
б) Ўзбекистон КП шаҳар ревизия комиссиясини сайлаш.

Тошкент шаҳар партия комитетининг иши тўғрисида шаҳар партия комитетининг секретари Ўрток М. А. Абдураззоков ҳисобот доклади қилди.

— Тошкент шаҳар партия ташкилоти, — дейди докладчи, — ўзининг X конференциясига ташкилий жиҳатдан янада кўпроқ мустаҳкамланиб, ғоявий жиҳатдан чиниқиб, Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети тевирагига маҳкам жипслашган ҳолда келди.

Ҳисобот даври — меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат соҳасидаги активлиги янада ошган давр бўлди. Бу давр ичида мамлакатимиз ҳаётида жуда катта воқеалар бўлди. КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март, июнь ва январь Пленумларининг қарорлари ҳамда СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорлари аниқлик ва ташаббусни кучли суратда кўтаришда жуда катта роль ўйнади. Бутун совет халқи блан бир қаторда, Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг оғир саноатни ҳартарафлама юксалтиришга қаратилган бош йўлини қизғин ма'қулламоқдалар. Оғир саноат мамлакатимиз халқ хўжалигидаги ҳамма тармоқларнинг — қишлоқ хўжалигининг ва енгил, озиқ-овқат саноатининг тўхтовсиз ривожланишини та'минламоқда ва шу блан бирга совет халқининг фаровонлигини доимий равишда кўтаришнинг манба'и бўлмоқда. Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми томонидан қўйилган вазифани — яқин беш олти йил ичида қарийб олинадиган галла ҳосилини камида 10 миллиард пудга етказиш ва чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини етиштиришни икки ва икки марталаб зиёд кўпайтириш вазифасини бажармоқ учун ҳамма кучларини сафарбар қилмоқдалар. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР да 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори, пахтачиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган кенгаш ва КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўрток Н. С. Хрущевнинг шу кенгашда сўзлаган нутқи Ўзбекистон ва унинг пойтахти ҳаётида жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳисобот даври ичида Тошкент шаҳар партия ташкилоти партия XIX с'ездининг қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини, саноат ҳамда транспортни ва савдони ривожлантириш масалаларига бағишланган қарорларини бажаришга саноат корхоналари ва транспорт ишчиларини, инженер-техник ходимларини, давлат аппаратининг хизматчиларини сафарбар қилиш соҳасидаги ишларини давом этдирди. Тошкент шаҳар партия ташкилоти корхоналар коллективларининг бешинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун олиб борган курашига бошчилик қилди.

Докладчи саноатнинг ҳисобот давридаги ишига тўхталиб та'кидлаб ўтдики, шаҳар саноати ялпи маҳсулот ишлабчиқариш 1954 йил давлат планини 105 процент бажарди. Оғир саноат ва айниқса унинг юраги бўлган машинасозлик етакчи роль ўйнамоқда.

1950 йилдагига нисбатан Тошкент машинасозлик ва металл саноатининг умумий маҳсулоти қарийб икки марта кўпайди. Янги техникани ўзлаштириш соҳасида анча катта иш олиб борилмоқда. 1953 йилдагига нисбатан 1954 йилда кенг истеъмол моллари ишлабчиқариш 12 процентдан зиёд ўсди.

Мавжуд ишлабчиқариш майдонлари ва ускуналаридан максимал даражада фойдаланиш учун кураш, янги корхоналарни, техникани ишга тушириш, ишлабчиқариш технологиясини ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш учун, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун кураш, новаторларнинг тажрибасини ёйиш — мана шу тадбирларнинг ҳаммаси давлат планларини муваффақият блан тўла ва ошириб бажариш учун имкон берди. Ўтган йили саноатда меҳнат унуми пландагита қараганда 3,8 процент ошди.

Докладчи кўрсатиб ўтдики, ҳисобот даврида давлат планларини бажариш учун курашда корхоналардаги партия ташкилотларининг роли ва жавобгарлиги ошди. Кўпгина партия ташкилотлари корхона ма'муриятларининг хўжалик фаолияти устидан контроль қилишни қучайтирдилар. Масалан, «Ташсельмаш» заводининг партия ташкилоти ишлабчиқаришнинг ҳал қилучи участкаларига коммунистларни тўғри тақсимлаш ишини яхшилади, ишлабчиқариш маданиятини кўтариш масалалари блан кўпроқ шуғулланабошлади, коллектив ўртасида партиявий-сиёсий ишни қучайтирди. Натижада «Ташсельмаш» қолоқликдан чиқди ва ўтган йилги планни 109,7 процент бажарди, меҳнат унуми пландагига нисбатан 6,5 процент кўтарилди.

Ҳисобот даври ичида темир йўл транспортининг иши ҳам яхшиланди. 1954 йилда Тошкент — товар станцияси вагонларга юк ортиш ва вагонлардан юк тушуриш планини ошириб бажарди.

Сўнгра докладчи та'кидлаб ўтадики, Тошкентда катта капитал қурилиш амалга оширилмоқда. 1954 йилнинг бир ўзидагина бу мақсад учун юз миллионларча сўм маблағ ажратилди, шундан 123 миллион сўми уй-жой қурилишига ва 81 миллион сўми маданий-маиший ҳамда коммунал қурилишга ажратилди. Капитал қурилиш учун ажратилган маблағлардан 1953 йилагига қараганда 17 процент кўп фойдаланилди. Бутуниттифоқ бинокорлар кенгаши бинокорлик ташкилотларининг ишини яхшилаш, меҳнатнинг индустриал методларини жорий қилиш ишида муҳим роль ўйнади.

Ўтган йилда ўн мингларча квадратметр ишлабчиқариш майдонлари, 45 минг квадратметр уй-жой майдони ишга туширилди, 7 мактаб, бир техникум, 10 та болалар уйи, болалар боқчалари ва ясли-лари янгидан қурилди ва кенгайтирилди.

Брок, саноат, транспорт ва бинокорлик ташкилотларининг ишидаги умумий ютуқлар блан бир қаторда жиддий камчилик ва хатоларни ҳам айтиб ўтмасдан мумкин эмас. Ўтган йили 38 корхона давлат топшириқларини бажаришнинг ушласидан чиқмади. Мамлакатга бирнеча миллион сўмлик маҳсулот кам берилди. Орқада қолаётган корхоналар қаторида «Ўзбексельмаш» заводи (директори Ўрток Стижайло, партбюро секретари Ўрток Аксонов), «Таштекстильмаш» заводи (директори Ўрток Проскуряков, партбюро секретари Ўрток Осипова), Электротехника заводи (директори Ўрток Исмоилов, партбюро секретари Ўрток Зиков) бор.

Бирқанча корхоналарнинг орқада қолишининг сабаби нимада? Бунинг сабаби аввало шундаки, кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари ва партия бюролари меҳнатни уюштириш учун, технологияни бузишларга қарши зарур кураш ташкил қилмадилар. Орқада қолаётган корхоналарда, одатда зарур ишлабчиқариш маданияти йўқ, штурмчиликка йўл қўйилмоқда.

Планни умуман бажаришга интилаётган хўжалик ходимлари ҳали ҳам кам эмас. Масалан, «Ташкабель» заводи 1954 йилда маҳсулотнинг энг муҳим 14 хилидан фақат уч хили бўйича планни бажарди.

Тошкентнинг кўпгина корхоналари таннархини камайтириш йўлларини қидириш ишн блан ёмон шуғулланмоқдалар. Текшириш шуни кўрсатдики, 88 корхонадан 30 таси маҳсулот таннархини камайтириш планини бажармаётир.

«Главмашдеталь» механика заводида, 1-нчи пойафзал фабрикасида, «Граммпластинка» заводида ва бошқа корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш учун системали кураш олиб борилмаётир, янги техникани жорий қилиш, меҳнатни тўғри уюштириш, машина ускуналаридан рационал фойдаланиш ва ишчиларнинг малакасини ошириш тўғрисида тегишли даражада ғамхўрлик қилинмаётир. Транспорт қурилиши министрлигининг 1-нчи ремонт-механика заводида, «Ўрток» фабрикасида ва «Пласткож» заводида янги ускуналар омборларда ойлаб ва ҳатто йиллаб туриб қолмоқда.

Кўпгина корхоналар, жумладан «Қизил тонг» фабрикаси, 1-нчи ва 2-нчи пойафзал фабрикалари ҳалигача ҳам сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар, сорт юзасидан белгиланган планни бажармаётирлар.

Кейинги вақтларда ишчи ва инженер-техник кадрларнинг сифати анча яхшиланганига қарамай кадрларни, айниқса миллий кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш зарур даражада йўлга қўйилган эмас. Шу сабабдан машинасозлик ва металл саноатида кўп ишчиларнинг зарур малакага эга эмасликлари тасодифий ҳол эмас. Мавжуд кадрлардан кўпинча нотўғри фойдаланилмоқда. Бу масалада «Ўзбексельмаш» заводида айниқса аҳвол ёмон. Бу заводда ишлаб турган 156 инженер ва техникдан анчагина қисми канцеляриялларда ўтирибдилар ёки иккинчи даражали вазифаларда ишламоқдалар.

Саноатнинг ишидаги мавжуд камчиликлар учун кўпгина министрликлар ҳам талай даражада айбдирлар. Улар корхоналарга юзаки раҳбарлик қилмоқдалар, кўпинча планларни нотўғри тузмоқдалар, корхоналарни хомаш'ё блан қониқарсиз та'минламоқдалар ва техникани янада тараққий этдириш тўғрисида кам ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Кенг истеъмол моллари саноати ва Озиқ-овқат моллари саноати министрликлари корхоналар учун тузилган планларни йилига бирнеча марта ўзгартирмоқдалар. Министрлар Носиров ва Хўжаев ўртоқлар, Ўзпромсовет раиси ўртоқ Хўжаев халқ истеъмол қиладиган моллар ишлабчиқаришни кўпайтириш учун етарли иш қилмадилар.

Тошкент темир йўл узелининг ишида ҳам камчиликлар кўп. Вагонларга кечакундуз юк ортиш ва юк тушириш иши қониқарсиз ташкил қилинган, транспортда меҳнат ва технология интизомининг бузилишига йўл қўйилмоқда, пассажирларга хизмат кўрсатишда жиддий камчиликлар бор.

Капиталь қурилиш планини бажаришдаги жиддий қолоқликни ҳам чидаб бўлмас ҳол деб ҳисоблаш керак. Кўпчилик бинокорлик ташкилотлари топшириқларини йилдан-йилга бажараолмай келмоқдалар. Ўтган йили ажратилган маблағларнинг қарийб учдан бир қисми фойдаланилмай қолди, меҳнаткашлар дупўттатлари шаҳар Совети йўли блан уй-жойлар қурилиши ёмон олиб борилмоқда, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари қуриш иши ниҳоятда қониқарсиз бораётир.

Тўқимачилик комбинатининг бинокорлик-монтаж бошқармаси (бошлиғи Ўрток Стефанов, партия ташкилотининг секретари Ўрток Камаристова), «Средазгидроэнергострой» қарамоғидаги «Ташэнергостройтрест»нинг бинокорлик-монтаж бошқармаси (бошлиқ вазифасини бажаруви Ўрток Евсеев, партия ташкилотининг секретари Ўрток Блайвас) ва бошқалар ёмон ишламоқдалар. «Средазгипроводхлопок» эса қурилиш планини 7 процентгина бажарди.

Бинокорликда кустарчиликка ҳали ҳам барҳам берилмаган. Фақат икки бинокорлик трести индустриал методларни жорий қилабошлади. Қурилишда темир-бетон конструкцияларидан кам фойдаланилмоқда.

Докладчи мавжуд бинокорлик ташкилотларини мустаҳкамлаш ҳақидаги масалани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети олдига қўйиш зарур, дейди.

Типовой проектларни ишлаб чиқишдаги, айниқса Узгоспроект ва Ташгорпроект томонидан типовой проектлар ишлаб чиқишдаги имиллаш қурилиш ишларини қисқартишга жиддий халақит бермоқда. Бу ташкилотлар проектларни тузганда темирбетон конструкциялари ва йирик блоклар қўлланиш зарурлигини назарда тутмаётирлар. Ба'зи архитекторлар проектларни тузганда катта бинояларга, кўплаб колонналарга ва бошқаларга берилиб кетмоқдалар.

Тошкент шаҳар қурилишининг генерал плани ҳалигача ишлаб чиқилмаган, қурилишларни зарур бинокорлик материаллари блан та'минлаш масаласи ҳал этилмаган. Бу масалада шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ва Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги айбдирлар.

Докладчи Ўзбекистон ССР Министрлар Советини танқид қилиб, у бинокорлик ишларини индустриялаш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва проектчи ташкилотларнинг ишини тартибга солиш масалалари юзасидан кўпгина қарорлар қабул қилган бўлсада, ўз қарорларининг бажарилиши устидан контроль қилмаганлигини кўрсатади. Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги қурилиш ишлари блан ёмон шуғулланмоқда. Сўнгра докладчи коммунал корхоналар қурилишидаги ва Тошкентни ободонлаштириш жиддий камчиликларни кўрсатади.

Саноат ва транспортнинг ишидаги ҳамда капитал қурилиш ишидаги камчиликлар бу участкаларга раҳбарлик қилишда шаҳар партия комитети жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйганлигини кўрсатади. Шаҳар партия комитети, унинг бюроси, саноат-транспорт бўлими корхоналарнинг экономикасини ҳали ҳам суст ўрганмоқдалар ва шу сабабдан камчиликларни тугатишда ба'зан уларга ўз вақтида ва оператив ёрдам бермаётирлар. Шаҳар партия комитети қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан контроль қилишни суст амалга оширмоқда, у ўз ишида хўжалик раҳбарларининг тор доирасига таяниб келди, кенг активга кам таянди, ишлабчиқариш илғорларининг тажрибасини етарли ўрганмади ва оммалаштирмади.

Кўпгина район партия комитетлари саноатга раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйдилар.

1955 йилда саноат, транспорт ва бинокорлик хоналари олдида катта ва мас'улиятли вазифалар турипти. Шаҳар партия ташкилотининг вазифаси бундан буён ҳам оғир саноатни ривожлантириш учун кураш, коллективларнинг маҳсулот таннархини янада камайтириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун, бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун авж олиб кетган социалистик мусобақасига бошчилик қилишдир.

Докладда қишлоқ хўжалигига ёрдамни янада кучайтириш вазифаларига кўп э'тибор берилди. Социалистик қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш соҳасида Коммунистик партия ишлаб чиққан улуғвор программани амалга ошириш фақат колхозчилардан, МТС ва совхоз ишчиларидангина эмас, балки шаҳар меҳнаткашларидан ҳам кўп ғайрат кўрсатишни талаб қилади. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма заказларини саноатнинг ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб, бажаришини та'минлаш — Тошкент шаҳар партия ташкилотининг кечиктирмай бажарадиган вазифасидир. Бу йил кўкламги экишга қадар чигитни квадрат шаклида уялаб экиш учун 3,5 минг сеялка, ССК маркали эски ссилкаларни янги усулда экишга мослаштириш учун керакли узелларнинг комплектларини кўп миқдорда тайёрлаш зарур. Бу йил қишлоқ хўжалигига 8 минг сеялка, мингта горизонталь-шпиндельли пахта териш машинаси ҳамда «СХМ—48» ва «СХМ — 48 М» пахта териш машиналарини модернизациялаш учун керакли узелларнинг 12 минг комплектини ва бошқаларни бериш керак.

Лекин шуни э'тироф қилиш керакки, шаҳар корхоналари қишлоқ хўжалигининг заказларини ҳозиргача қониқарсиз бажармоқдалар. Сеялкалар ва культиваторлар тайёрлаш иши айниқса ёмон аҳволдадир. Бундай қолоқликни тезда тугатиш зарур. Шу блан бирга яқин вақт ичида 15 та теплица комбинатлари қуришни тамомлаш ва чорва моллари учун бинолар, силос башнялари ва траншеялари қуришда, чорвачиликдаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялашда колхозларга, МТС ва совхозларга ҳартарафлама оталик ёрдами кўрсатиш керак. Колхозчилар, совхоз ва МТСларнинг ишчилари ўртасида ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни қизитишда қишлоқ партия ташкилотларига ёрдам бериш керак.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари партия ва ҳукуматнинг совет савдосини яхшилаш тўғрисидаги директивларини бажариш учун курашиб, давлат, кооператив ва колхоз савдосини бирқадар яхшилашга эришдилар. 1952 йилдагига нисбатан 1954 йилда товар оборот 33 процент кўпайди. Ўтган йили 48 та янги озиқ-овқат ва саноат моллари магазини, 13 ошхона, кафе ва ресторан очилди. Товар оборот плани бажарилди.

Брок, савдо корхоналари шохобчалари ҳаҳолининг ўсган талабларини ҳали қондирмаётир. Савдо ташкилотларининг иши устидан жамоат контроли бўш олиб борилмоқда, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжлари етарлик ўрганилмаётир. Энг зарур моллар блан савдо қилишда узилишларга йўл қўйилмоқда.

Умумий овқатланиш қониқарсиз ташкил қилинган. Шаҳарда кафе, ресторан ва ошхоналар кам. Кўпчилик ошхоналарда овқатларнинг сифати паст, ассортименти жуда кам. Ўтган йили 17 та ошхона қуриш мўлжалланган эди, брок Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг айби блан фақат 7 жойдагина ошхона қурилабошланди.

Сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари блан савдо қилиш ҳам яхши йўлга қўйилган эмас. Сабзавот, картошка ва гўштни комиссион йўл блан сотиш жуда ёмон ташкил қилинган. Шаҳар аҳолиси сабзавот блан зарур миқдорда та'минланмаётир, чунки шаҳар тевараги зонасидаги кўпчилик колхозлар ҳосилдорлик юзасидан белгиланган давлат планини бажармадилар. Докладчи шу муносабат блан область партия комитети ва область ижроия комитетини сабзавотчилик масаласи блан ҳалигача етарлик шуғулланмаётганликлари учун танқид қилади.

Шаҳардаги кўп корхоналар ва ташкилотлар қарамоғидаги ёрдамчи хўжаликларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ҳам ишга жиддий шикаст етказмоқда. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва министр Ўрток Зиёмов савдо ташкилотларининг ишларига чуқур аҳамият бермаётир. Министрлик раҳбарлари шаҳардаги савдо ташкилотларини барча зарур моллар блан та'минлаш учун тегишли чоралар кўрмадилар, улар аҳоли учун ишлабчиқарилаётган молларнинг сифати ва ассортименти юзасидан саноатга нисбатан талабчанлик кўрсатмаётирлар.

Савдо соҳасидаги камчиликлар учун шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети, район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари ҳам айбдирлар, чунки улар савдо корхоналарининг иши устидан тегишли даражада контроль қилмадилар.

Савдони ташкил қилишдаги камчиликларни тез тугатиш керак. Бунинг учун шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари савдо корхоналарига ва муассасаларига раҳбарликни тўблан яхшилашлари, уларнинг раҳбарлари олдига катта талаблар қўйишлари, товар обороти планининг бажарилиши, совет савдоси принципларига қаттиқ риоя қилиш юзасидан савдо ходимлари зиммасига тушалиган жавобгарликни қучайтиришлари, савдо корхоналаридаги партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишлари лозим.

Докладда суд, прокуратура органлари ва милициянинг ишини яхшилаш масалаларига, совет ташкилотларининг фаолиятини анализ қилишга ҳам э'тибор берилди.

— Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, — дейди докладчи, — давлат аппаратини янада такомиллаштириш, унинг структурасини ихчамлаштириш ва унинг иш услубини ўзгартириш, ишчилар ва ишчилар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, ишчилар ва деҳқонл

НАШРИЁТ ВА ПОЛИГРАФИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ НАШРИЁТ, ПОЛИГРАФИЯ, КИТОБ САВДОСИ, ҚОҒОЗ, МАШИНАСОЗЛИК, ХИМИЯ, ТУҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ БАРЧА ХОДИМЛАРИГА

М У Р О Ж А А Т И

Ўртоқлар!

Совет халқи Коммунистик партия бошчилигида социалистик жамият қуришни тугаллаш ва социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш соҳасидаги ғоят катта вазифаларни ҳал қилмоқда. Халқимизнинг ижодий фаолиятига марксизм-ленинизм буюк идеялари сўнмас нурини сочиб турипти.

КПСС МК январь Пленуми ва СССР Олий Советининг иккинчи сессияси совет халқини оғир саноатни бутун чоралар блан янада ривожлантиришга чақирдилар. Оғир саноат ҳамиша Ватанимиз қудратининг, озодлиги ва мустақиллигининг асоси, бутун халқ хўжалигимизни янада ўстириш ва мустаҳкамлаш негизи бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, социалистик қишлоқ хўжалигини, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни та'минлайди, совет халқи фаровонлигини оғишмай ўстириб боришнинг манба'и бўлади. КПСС МК Пленуми ва СССР Олий Совети иккинчи сессияси қарорларида яқин 5—6 йил ичида ҳар йили йиғиштириб олинадиган дон маҳсулотини камида 10 миллиард пудга етказиш ва чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини етиштиришни икки баравар ва икки баравардан зиёд кўпайтириш вазифаси қўйилган.

Мамлакатимизда жамоат бойлиги йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошмоқда, халқнинг маданий савияси юксалмоқда.

Китоб — маданиятнинг қудратли қуролидир. Китоб совет кишиларини фан қонуниларини, Коммунистик партиянинг сиёсатини билиб олишга ёрдам беради, уларни социализм қуриш тажрибаси блан бойитади, оғир-билим доирасини кенгайтиради, коммунизм қуриш соҳасидаги буюк вазифаларни бажаришга сафарбар қилади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати китоблар нашр қилиш ишини муваффақиятли равишда ривожлантириш учун ҳамма шароитларни яратиб бердилар. Мамлакатимизда сиёсий, илмий, бадиий, ишлабчиқариш-техника адабиётлари ва бошқа адабиётлар чиқариш йил сайин кўпаймоқда.

1954 йилда Совет Иттифоқида босиб чиқарилган китобларнинг умумий тиражи қариб бир миллиард нусхани ташкил қилиб, 1940 йилдаги даражадан икки баравардан зиёд ва революциядан илгариги Россияда чиқарилган китобларга қараганда 11 марта ошиб кетди. 1954 йилда 130 миллион нусха оммавий-сиёсий адабиёт, 234 миллион нусха илмий ва ишлабчиқариш-техника адабиёти, 259 миллион нусха дарслик, 118 миллион нусха бадиий ва 117 миллион нусха болалар адабиёти босиб чиқарилди. Совет ҳокимияти йилларида СССРда 17 миллиард нусхадан кўпроқ китоб, шу жумладан бир миллиард нусхадан кўпроқ марксизм-ленинизм классиклари асарлари нашр этилди.

Ленинча-сталинча миллий сиёсат СССРдаги ҳамма халқлар маданиятининг ўсишида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Совет Иттифоқида ўз она тилида китоб нашр этмаётган биронта ҳам халқ йўқ. СССРдаги 70 халқ тилида, шу жумладан Октябрь революциясигача ўз ёзувига эга бўлмаган 19 халқ тилида бадиий адабиёт нашр этилмоқда.

Коммунистик партия мамлакатда китоб нашр этиш ишини ривожлантириб, нашриёт ва полиграфия корхоналарининг юқори малакали бўлган жуда кўп кадрларини етиштирди ва тарбиялаб ўстирди. Китоб нашр этиш ишининг моддий-техника базаси — типографиялар, қоғоз фабрикалари, ҳарф қуйиш ва бўёқ заводлари, полиграфия машинасозлиги ўсди. Иттифоқ аҳамиятидаги полиграфия корхоналарининг маҳсулоти 1940 йилдан 1954 йилгача 3,2 баравар кўпайди. Иттифоқчи республикаларда, ўлка ва областьларда полиграфия базаси кенгайди ва мустаҳкамланди. Партия ва ҳукумат полиграфия базасини янада ривожлантириш ҳақида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Ҳукумат қарорида 1954—1960 йиллар мобайнида полиграфия саноатининг қувватини 2,5 баравар, рангли босмани эса деярлик 3 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Шу даврда ичида 340 та полиграфия корхонаси қурилиши ва реконструкция қилиниши лозим. 1955 — 1956 йилларда Ярославльда, Калининда, Минскда, Саратовда йириқ полиграфия комбинатлари ишга туширилади.

Китоб нашр этишни ривожлантиришда кўлга киритилган муваффақиятлар нашриёт ва полиграфия саноати ходимларига бу муваффақиятлар блан хотиржам бўлиб қолиш ҳуқуқини бермайди. Нашриётлар китобхонларнинг сиёсий адабиётларга, билимнинг турли соҳалари ҳақида, саноат ишлабчиқариши ва қишлоқ хўжалиги новаторларининг илғор тажрибаси ҳақида ёзилган китобларга бўлган талабларини ҳали ҳам яхши қондирмаётирлар. Справка адабиётлари ҳали кам чиқарилмоқда, бадиий ва болалар адабиёти кам нашр этилмоқда.

Кўпгина китоблар ўзининг мазмуни жиҳатидан фаннинг ҳозирги аҳволига жавоб бермайди. Бадиий адабиётнинг ба'зи асарлари ғоявий мазмуни, тили ва формаси жиҳатидан совет китобхонининг ўсган талабларига жавоб бермайди. Нашриётлар кўпинча қизиги бўлмаган, бепарво ёзилган, ҳом ишланган китобларни чиқармоқдалар. Кўпгина илмий ва ишлабчиқариш-техника мавзу'идаги китобларнинг хажми ҳаддан ташқари катта, уларда тасвирий материал ортиқча кўп бўлиб, илмий хулосалар камдир. Философия, социал-иқтисодий, ҳуқуқ, тарихий темалардаги ба'зи китоблар ҳали ҳам ширасиз, тўмтоқ тил блан ёзилади, коммунистик қурилиш соҳасидаги муҳим вазифалар блан етарли боғланмайди. Зарур илмий-справка материаллари блан та'минланган китоблар кам. Нашр этилаётган китоблардан анча қисмининг бадиий безатилиши ва полиграфик жиҳатдан ишланиши қониқарли эмас.

Босиб чиқарилаётган адабиётнинг тиражини белгилаш кўпинча китобхонларнинг ҳақиқий талабига тўғри келмайди. Гоҳо китобларнинг тиражи ҳаддан ташқари оширилиб юборилади, натижада омборларда китоблар кўпланиб қолади, гоҳо китобларнинг тиражи кам белгиланади ва аҳолининг зарур адабиётга бўлган талабларини қондирмайди.

Китоб савдосида жиддий камчиликлар бор. Қишлоқ жойларда, шу жумладан қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларда адабиётларни тарқатиш ёмон ташкил қилинган. Китоб савдоси ходимлари аҳолининг талабларини етарли билмайдилар ва бу талабларни яхши ўрганмаётирлар.

Полиграфия саноати ходимлари китоб чиқариш ишини яхшилаш учун ишлабчиқаришдаги ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар. Кўпгина типографияларда янги асбоб-ускуналар ва илғор ишлабчиқариш технологияси секин ўзлаштирилмоқда, кўп меҳнат талаб қилаётган процесслар етарли механизациялаштирилмаётир, илғор иш усуллари секин ёйилмоқда, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва маҳсулотнинг юксак сифатли бўлиши учун социалистик мусобақа яхши ташкил қилинмаган.

Биз, Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари, ҳамма нашриёт ходимларига мурожаат қилиб, уларни нашр этилаётган асарларнинг ғоявий, илмий ва бадиий савиясини юксак даражага кўтаришга чақирамиз. Биз нашриётларнинг ходимларини ижтимоий-сиёсий адабиётлар нашр этишни яхшилашга чақирамиз. Бу адабиётда Коммунистик партиянинг тарихи ва назариясига доир масалалар ижодий жиҳатдан ишлаб чиқилиши, совет жамиятининг ривожланишидаги қонуниятлар ёритилиши лозим. Бу адабиёт Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оғир индустрияни янада ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кескин равишда юксалтиришга, халқ иста'моли буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, совет фанини, сан'атини, маданиятини ривожлантиришга қаратилган сиёсатини пропаганда қилмоғи лозим.

Халқаро аҳвол ва СССР Ҳукуматининг ташқи сиёсати, халқаро вазиятдаги туб ўзгаришлар масалаларини ёритиб берадиган, социализм, тинчлик ва демократия лагери кучларининг тобора ўсиб бораётганлигини, Совет Иттифоқининг тинчлик учун, коллектив хавфсизликни та'минлаш учун олиб бораётган курашини кўрсатиб берадиган китоб ва брошюралар чиқаришни, империалистик давлатлардаги ҳукмрон доираларнинг агрессив сиёсати тинчликка хавф солаётганлигини кўрсатадиган китоблар чиқаришни кўпайтириш зарур.

Коммунистик қурилиш манфаатлари физика, химия, математика, биологиянинг жуда муҳим проблемалари юзасидан, фаннинг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган ҳамма тармоқлари юзасидан адабиётлар нашр этишни кўпайтиришни талаб қилади. Фан ва техника соҳасида инсоният яратган ҳамма энг яхши нарсаларни совет китобхоналарининг мулки қилиш зарур. Ҳарбир илмий китоб ҳозирги замон фанининг СССРда ва чет элларда эришган муваффақиятларига тўла равишда мувофиқ бўлмоғи лозим.

Нашриётлар саноат ва транспорт масалалари соҳасида техника прогрессига ёрдам берадиган, фақат Ватанимиз фанинигина эмас, балки жаҳон фанининг муваффақиятларини ва илғор тажрибани халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига жорий қилишга, халқ бойлигини кўпайтиришнинг асоси бўлган бутун жамоат меҳнатининг унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган адабиётлар чиқаришни кенгайтириш керак.

Қишлоқ хўжалик адабиёти нашр этиш соҳасида катта вазифалар турипти. Қишлоқ хўжалигида фаннинг муваффақиятларидан ва илғор иш тажрибаси ҳақида китоблар, брошюралар, плакатлар, варақалар чиқаришни анча кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини юксалтириш, зоотехника, емхашак етиштириш ва чорвачилик соҳасида меҳнатни механизациялаш масалалари юзасидан китоблар, справка қўлланмалари, оммабоп брошюралар нашр этишни кўпайтириш зарур.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида республика ва область нашриётларининг роли катталиг. Бу нашриётларнинг вазифаси — қишлоқ хўжалик адабиётлари нашр этиш соҳасидаги ўз ишларини тубдан яхшилашдан, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришнинг ҳамма процессларини чуқур ўрганишдан ва мамлакатнинг турли районларидаги колхозлар ҳамда совхозларнинг конкрет шароитлари ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ хўжалик масалаларини ёритишдан иборатдир.

Бошланғич, ўрта ва олий мактаблар учун дарсликлар ва ўқув қуроллари чиқаришни кўпайтириш, ўқув адабиётларининг мазмунини ва ташқи жиҳатдан безатилишини яхшилашга эришиш керак.

Фан ва техника муваффақиятларини кенг ёйиш, материалистик дуч'ёқарашни пропаганда қилиш вазифаси нашриётлардан илмий-оммабоп адабиётлар чиқаришни анча кенгайтиришни талаб қилмоқда.

Меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги руҳида, совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлиги ва пролетар интернационализми, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш руҳида тарбиялайдиган, капитализмнинг кишилар онгидаги қарқитларига қарши курашишга ёрдам берадиган бадиий адабиёт асарларини кўпроқ нашр этиш зарур.

Нашриётларнинг ходимлари болалар ва ёшлар учун адабиёт чиқариш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқлари лозим.

Нашриёт ишини ташкил қилишни тубдан яхшилаган тақдирдагина бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Нашриётларнинг ходимлари танқидни ва ўз-ўзини танқидни бутун чоралар блан ривожлантириб, ўз ишларидаги жиддий камчиликларни мумкин қадар тезроқ тугатишлари керак. Китоблар нашр этишни планлаштиришда тартиб ўрнатиш, яқин йиллар ичида китоблар чиқаришнинг перспектив планларини ишлаб чиқиш, бу ишни қилганда китобхонларнинг талабларини тўла равишда назарга олиш керак.

Редактор ўртоқлар! Нашр этилаётган адабиётларнинг юксак сифати учун курашда сизлар шарафли ўрин тутмоқдасиз! Ўз олдингизда турган вазифаларни бажармоқ учун сизлар ғоявий-сиёсий савиянгизни ча назарияни чуқур эгаллашингиз, редактирмай юксалтиришингиз, марксча-ленинчорлик маҳоратингизни такомиллаштиришингиз лозим.

Биз нашриётларнинг ҳамма ходимларини китоб нашр этиш ишининг экономикасини ўрганишга, китоблар яратган вақтларда ўрнисиз чиқиларни тугатишга, давлат маблағларини, қоғозни ва бошқа материалларни тежаб-тергаб сарфлашга чақирамиз.

Рассомлар, бадиий ва техник редактор ўртоқлар! Китобларни безатишдаги қолоқликка, эскиликка, шаблонга қарши курашингиз, китобларни безатишда ҳозирги замон техникаси воситаларидан фойдаланингиз, яхши безатилган сиёсий, илмий, ўқув ва бадиий адабиётлар чиқаришга эришингиз. Текст учун, муқовалар, титул листлари ва ҳакозолар учун ҳарфларнинг янги хил безакларини ишлаб чиқингиз.

Полиграфия корхоналарининг ходимлари! Биз сизларни китобларнинг полиграфия жиҳатидан ишланишини бутун чоралар блан яхшилашга, енгил ўқиладиган ва кўп вақтга чидайдиган китоблар яратишга, энг янги техникани ва технологияни кенг жорий қилишга, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва илғор иш методларини ёйиш учун социалистик мусобақани кучайтиришга чақирамиз.

Фан ходимлари нашриёт иши ва полиграфия техникаси соҳасидаги тадқиқотларни кучайтиришлари, ҳамда ишлабчиқариш ходимлари блан биргаликда фан муваффақиятларини нашриётлар ва полиграфия саноати практикасига кенг жорий қилишни та'минлашлари лозим. Полиграфия саноати, полиграфия машинасозлиги ва қоғоз саноатидаги илмий-тадқиқот институтларининг ишини мувофиқлаштириш, оммавий-китоблар ишлаб чиқаришнинг янги усулларини ва полиграфия ишлабчиқаришини механизациялаш ҳамда автоматизациялаш учун янги асбоб-ускуналарни ишлаб чиқишни ва жорий қилишни тезлаштириш зарур.

Биз китоб савдоси, матлубот кооперацияси ва «Союзпечать» ходимларига мурожаат қилиб, уларни аҳолининг талабларини диққат блан ўрганишга, қарбир китобнинг тиражини тўғри жойлаштиришга, китобни белгиланган китобхонга етказишга чақирамиз. Китобларни «Почта орқали китоб юборучи» бўлимлар воситаси блан юборишни кенг қўлланиш, ҳаридорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, китобни пропаганда ва реклама қилишни кучайтириш керак.

Полиграфия корхоналарини қуручи ўртоқлар! Янги типографияларни белгиланган муддатларда қуришни та'минлаймиз, қурилиш ишларини юксак сур'атлар блан олиб бориш ва сифатли қилиб бажариш учун янги қурилишларда социалистик мусобақани кучайтиришга, халқимиз учун китоблар чиқаришни тезроқ кўпайтиришга ёрдам берингиз!

Биз машинасозлик ходимларини полиграфия машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга чақирамиз. Босма формалари тайёрлаш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналарни мукаммаллаштириш ва янги асбоб-ускуналар яратиш, расмли оммавий нашрлар учун юқори унумли ротацион машиналар яратиш, типографияларнинг пардозлаш цехлари учун ҳозирги замон машиналари ва ўртача ҳамда ториалик катта бўлмаган корхоналарда пардозлаш процесларини механизациялаш учун станоклар ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур. Машиналарнинг ишини ва ишлабчиқариш процессларини автоматик равишда тартибга солиб туриш учун махсус контроль аппаратураси ишлаб чиқаришни ташкил қилиш зарур. Машинасозлар полиграфия ва қоғоз саноатидаги ускуналар учун запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари лозим.

Биз қоғоз саноати ходимларига мурожаат қилиб, уларни ишлаб чиқарилаётган қоғоз миқдорини кўпайтиришга, унинг сифатини яхшилашга ва ассортиментини кенгайтиришга чақирамиз. Полиграфик жиҳатдан яхши безатилган чиройли китобларни нашр этиш учун босма-техник жиҳатдан яхши хусусиятларга эга бўлган юқори сифатли ва хилма-хил сортдаги қоғоз талаб қилинади. Китоб учун керакли қоғозни етказиб бериш қоғоз саноати ходимларининг шарафли ишидир.

Биз тўқимачилик саноати ходимларини муқова учун ишлатиладиган газламаларнинг ассортиментини кенгайтиришга ва уларни хилма-хил нақшлар ҳамда ранги оқармайдиган безаклар блан бойитишга, шунингдек марля, ип ва бошқа материалларнинг сифатини яхшилашга чақирамиз, чунки китобларнинг яхши сифатли қилиб чиқарилиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Биз химия саноат ходимларига мурожаат қилиб, уларни босмахона бўёқлари учун ишлатиладиган пигментларнинг ассортиментини кенгайтиришга ва сифатини яхшилашга, жуда интенсив ёрқин ва ранги узоқ вақт оқармайдиган бўёқлар яратишга, печать машиналарининг ҳамма турлари учун резина валиклар сифатини, шунингдек офсет резинанинг сифатини яхшилашга чақирамиз.

Биз рангли металлургия ходимларига мурожаат қилиб офсет босма ва цинкографиялар учун руҳ ва алюминийнинг калибрли прокатини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва сифатини яхшилашга, офсет босма формалари учун калибрли латунь пластинкалари прокатини ўзлаштиришга, типография эритмалари тайёрлаш учун ишлатиладиган қўрғошин ва сурманинг сифатини яхшилашга чақирамиз.

Киноплёнка саноати ходимлари полиграфия учун зарур ассортиментда юқори сифатли фототехник плёнкалар чиқаришни та'минлашлари лозим.

* * *

Ўртоқлар! Совет жамиятининг ҳаётида, коммунизм қуришдан иборат буюк иш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида китобнинг роли ғоят муҳимдир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бизларга катта э'тибор бераётганликларига ва ғамхўрлик қилаётганликларига жавобан коммунистик жамият ижодкори бўлган халққа буюк давримизга мунносиб китоблар берайлик!

Т А С С Р А Д Д И Я С И

Америкадаги Юнайтед Пресс агентлигининг ёқинда Вашингтондан берган хабарида айтилишича, АҚШ Конгрессининг атом энергияси масалалари бўйича Бирлашган комиссиясининг Кичик комиссияси шу комиссия а'золарининг бир группаси Осиё ва Яқин Шарқнинг ба'зи мамлакатларига бориб келгандан кейин доклад э'лон қилган, шу докладда да'во қилинишича, гўё Совет Иттифоқи атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ишида ёрдам сўраб СССР Ҳукуматига Мурожаат қилган эмас, бинобарин, Совет Иттифоқи бундай илтимосга ўзининг munосабатини билдириш имкониятига ҳам эга бўлган эмас.

Шундай қилиб, доклад авторларининг мажкур да'волари қўпол уйдирмадир.

Америкадаги Юнайтед Пресс агентлигининг ёқинда Вашингтондан берган хабарида айтилишича, АҚШ Конгрессининг атом энергияси масалалари бўйича Бирлашган комиссиясининг Кичик комиссияси шу комиссия а'золарининг бир группаси Осиё ва Яқин Шарқнинг ба'зи мамлакатларига бориб келгандан кейин доклад э'лон қилган, шу докладда да'во қилинишича, гўё Совет Иттифоқи атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга таллуқли ёрдамни ёки бирор илмий ва техника ма'лумотларини Ҳиндистонга беришни истамас эмиш.

ТАССга ма'лум бўлишича, Ҳиндистон ҳукумати атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ишида ёрдам сўраб СССР Ҳукуматига Мурожаат қилган эмас, бинобарин, Совет Иттифоқи бундай илтимосга ўзининг munосабатини билдириш имкониятига ҳам эга бўлган эмас.

Шундай қилиб, доклад авторларининг мажкур да'волари қўпол уйдирмадир.

СССР Фанлар академияси Президиумининг баёноти

СССР Фанлар академияси Президиуми Жаҳон Тинчлик Кенгашининг атом уруши тайёрлашга қарши чиқарган Мурожаатини совет олимлари номидан қизғин ма'қуллайди ва тўла равишда қўллаб-қувватлайди.

Кейинги вақтларда халқаро муносабатлардаги кескинликни жуда қучайтираётган воқиалар ҳамда ялпи қирғин воситаларидан фойдаланиб янги уруш очиш хавфи биз, совет олимларини, атом қуролини қўлланишдан иборат жинояткорона ҳаракатларга қарши бўлиб чиқишга мажбур қилмоқда.

АҚШ ва Англиянинг ҳукмрон доиралари халқларнинг иродасига хилоф равишда, бир ховуч монополиячиларнинг, ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқаручи фабрикантларнинг ғаразли манфаатларини кўзлаб, герман вермахтини тиклаш тўғрисидаги Лондон ва Париж битимларини Ғарбий Европа давлатларига зўрлаб қабул қиллиришга уринмоқдалар. Лондон ва Париж битимларининг авторлари атом қуролини гитлерчи генераллар қўлига тутқизишга тайёр эканликларини эшитиб халқлар айниқса газабландилар, чунки шу гитлерчи генераллар Европа мамлакатларини ўт ва қилич блан вайрон қилган ёндилар, миллион-миллион кишиларни қириб ташлаган ёндилар ҳамда жаҳон маданиятининг жуда кўп ажойиб ёдгорликларини ёғости қилган ёндилар.

Агрессив Шимолий Атлантик блоки кенгашининг атом ва термоядро қуролини қаерда ва қачон қўлланишни ўз зиммасига белгилаш ҳуқуқини Америка қўмондонлигига бериб қўядиган қарор чиқарганлигини эшитиб халқлар ғоят хавотирга тушдилар ва ниҳоят даражада ғазабландилар.

Империалистлар ялпи қирғин қуролларидан фойдаланишга тайёргарлик кўриб, ўзларининг жинояткорона фаолиятларини атом қуроли «мудофаа» характеридаги қурол деган гаплар блан ниқоблашга уринмоқдалар. Лекин инсоният бир ховуч монополиячиларнинг атом уруши ёрдами блан жаҳонга ҳукмрон бўлиш йўлидаги интилишларини ҳечқачон мудофаа деб тан олган эмас ва тан олмайди. Уруш оловини ёқучилар атом бомбасини «тактика» мақсадида қўлланиш тўғрисидаги гаплар блан халқларни чалғитишга уринмоқдалар, холос. Мана шу «тактика» қуролини қўлланиш йўлидаги биринчи ўринишнинг ўзиёқ атом ва водород бомбаларидан кўплаб фойдаланишга олиб келган бўлур эди. Агрессив кучлар атом бомбаларидан «мудофаа» ва «тактика» мақсадларида фойдаланиш тўғрисидаги сохта гаплар блан халқларнинг миясига атом қуролининг қўлланилиши ғўё муқаррар деган фикрни сингдиришга ва бу блан халқларни инсоний бошига беҳисоб кулфатлар солучи атом урушига тортишга уринмоқдалар.

Лекин фактлар атом урушининг олдини олиш мумкинлигини муқаррар исбот қилмоқда.

Ҳукмрон доиралар халқларнинг иродаси блан ҳисоблашмай ўз қилгуликларини қиладиган вақтлар ўтиб кетди. Ба'зи америкали генераллар Кореяда атом бомбасини ишлатишни ҳарқанча истаган бўлсалар ҳам, лекин халқларнинг ғазаби бунга йўл қўймади. Инсониятнинг виждони агрессорларни Вьетнамдаги урушни тўхтатишга мажбур қилди.

Халқ оммасининг ғазаби Шимолий Атлантик блоки арбобларининг жинояткорона янги планларини ҳам барбод қилиб ташлайди. Бутун дун'ё халқлари атом урушини бошлашга қарши тобора қат'ият блан курашмоқдалар.

Тинч қурилишнинг, совет халқи фаровонлигини янада яхшилашнинг, совет халқи маданиятини ошнатишнинг олижаноб мақсадларига ўз кучларини ва билимларини бераётган совет олимлари инсон онгининг, атом энергиясидан фойдаланиш йўлини топган шу қадар улуғ муваффақиятидан империалистларнинг одамларни кўплаб ўлдириш ва ялпи қирғин мақсадлари учун фойдаланишларига йўл қўяолмайди.

Атом энергияси инсониятнинг чексиз тараққиётига ва тинч ривожланишига ёрдам бериши лозим. Совет Иттифоқи бу улуғ қашфиётдан тинч хўжалик қурилиши соҳасида фойдаланишнинг биринчи намунасини кўрсатди. Жаҳонда биринчи марта Совет Иттифоқида атом энергиясида ишлайдиган электростанция қурилди ва ишга бошлади. Совет олимлари атом энергиясидан техникада, биологияда, медицинада, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш соҳасида илмий ишлар олиб бормоқдалар. Атом энергиясини тинчлик мақсадларида амалий қўлланган совет халқи ўз тажрибаларини бошқа халқлар блан ўртоқди ва ишга бошлади. Совет олимлари атом энергиясидан тинчлик мақсадларида кенг фойдаланиш соҳасида Хитойга, Польшага, Чехословакияга, Румнинга, Германия Демократик Республикасига ва бошқа мамлакатларга ёрдам беришга ўзининг тўла равишда тайёр эканлигини билдирди.

Совет кишилари атом қуролини ва ялпи қирғин қуролларининг бошқа ҳамма турларини тақиқлаш учун қат'ият блан қўрашаётганликларига сабаб шуки, улар фақат халқларнинг манфаатларинигина кўзламоқдалар ва социалистик система блан капиталистик системанинг тинч тотув бўлиб яшаши мумкинлиги тўғрисидаги ўзгармас қоидага амал қилмоқдалар.

Совет олимлари СССР Олий Советининг 1955 йил 9 февральда чиқарган Декларациясини табриклямоқдалар, бу Декларация бутун совет халқининг ва барча мамлакатлардаги тинчликсевар кишиларнинг дилларидаги орзуларини ва истакларини ифодалайди.

«Халқлар умумий тинчликнинг мустаҳкамланишидан астойдил манфаатдордирлар, — дейилади Декларацияда,—халқлар янги урушга йўл қўймаслик учун тўла имкониятга эгадирлар, чунки тинчлик кучлари тўхтовсиз ўсиб бормоқда ва бу кучлар ҳозирнинг ўзидаёқ агрессия ва уруш кучларидан қудратлироқ бўлиб қолди».

СССР Фанлар академиясининг Президиуми барча совет олимларини, барча совет кишиларини Жаҳон Тинчлик Кенгаши Мурожаатини якдиллик блан қўллаб-қувватлашга чақиради.

Улуғ идеялар улуғ кучларни вужудга келтиради. Тинчлик кучлари енгилмайди, биз бунга аминмиз.

СССР Фанлар академияси президенти академик А. Н. НЕСМЕЯНОВ
СССР Фанлар академиясининг вице президентлари академик И. П. БАРДИН
академик К. В. ОСТРОВИТЬЯНОВ
СССР Фанлар академияси Президиумининг Бош илмий секретари академик А. В. ТОПЧИЕВ
СССР Фанлар академияси Президиумининг а'золари
академик Г. Ф. АЛЕКСАНДРОВ
академик В. В. ВИНОГРАДОВ
академик М. М. ДУБИНИН
академик М. В. КЕЛДИШ
академик И. В. КУРЧАТОВ
академик М. А. ЛАВРЕНТЬЕВ
академик Т. Д. ЛИСЕНКО
академик В. С. НЕМЧИНОВ
академик А. И. ОПАРИН
академик И. Г. ПЕТРОВСКИЙ
академик М. Н. ТИХОМИРОВ
академик С. А. ХРИСТИАНОВИЧ
академик Д. И. ШЧЕРБАКОВ

Нашриёт ва полиграфия саноати ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши ёпилди

Нашриёт ва полиграфия саноати ходимларининг олти кун давом этган Бутуниттифоқ кенгаши 19 февральда ўз ишини тамомлади. Кенгашда нашриётларнинг ва полиграфия корхоналарининг вакиллари, полиграфия саноати учун материаллар ва ускуналар ишлаб чиқаручи турли саноат министрликларининг вакиллари, рассомлар, ёзучилар, китоб савдоси ва кутубхоналарнинг ходимлари қатнашдилар; бирқанча халқ демократияси мамлакатларидан келган делегациялар ҳозир бўлдилар.

Кенгашда СССРда китоб нашр этиш ишининг аҳволи ва уни ривожлантириш перспективалари ҳақидаги, китоб чиқариш ишининг маданияти ҳақидаги, қоғоз ва полиграфия ускуналари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақидаги, нашриётлар ва полиграфия корхоналари учун кадрлар тайёрлаш ҳақидаги масалалар ҳартомонлама муҳокама қилинди.

Кенгаш қатнашчилари докладлар юзасидан бўлган музокаралар вақтида ва секцияларнинг мажлисларида СССР Маданият министрлиги, унинг бош бошқармалари, нашриётлар ва типографиялар ҳақида кўпгина танқидий мулоҳазаларни айтдилар. Қоғоз ва ёғочсозлик саноати, машинасозлик ва асбобсозлик, химия саноати министрликларининг, СССР Кенг иste'мол товарлари саноати министрлигининг фаолияти танқид қилинди. Кўпгина қимматли таклифлар киритилдики, бу таклифларнинг амалга оширилиши нашриёт ишидаги мавжуд камчиликларни тугатишгагина эмас, балки нашриётларнинг умумий иш савиясини юксалтиришга, китобларнинг тематикасини ва мазмунини яхшилашга ва уларни безатишни яхшилашга ҳам ёрдам беради.

СССР Маданият министри Г. Ф. Александровнинг якинловчи сўзидан кейин кенгашнинг ишида қатнашган КПСС МК секретари П. Н. Поспелов нутқ сўзлади.

Ҳамма нашриёт, полиграфия, китоб савдоси, қоғоз, машинасозлик, химия ва тўқимачилик саноати ходимларига қарата якдиллик блан мурожаат қабул қилинди.

(ТАСС).

Москва блан Берлин ўртасида янги халқаро темир йўлда қатнов бошланди

Белорус вокзали темир йўл изларида поезд составлари турибди. Вагонларга рус, поляк ва немис тилларида «Москва — Варшава — Берлин» деб ёзилган металл табличкалар осиб қўйилган. Ана шу маршрут бўйича 19 февральда соат 14 дан 10 минут ўтганда биринчи скорий поезд жўнаб кетди. Ана шу рейс блан Совет Иттифоқи ва Германия пойтахтлари ўртасида пересадка қилмасдан борилиадиган мунтазам темир йўл қатнови бошланди.

Янги линияда ҳар купеда икки ўринли юмшоқ купели яхлит металл вагонлардан иборат олти состав қатнаб туради.

Берлинга борадиган поездлар Москва — Смоленск — Брест — Седлец — Варшава — Познань — Франкфурт — Одер машрути бўйича ўтади. Бу поездлар Москвадан ҳар куни соат 14 дан 10 минут ўтганда жўнаб кетади, Москвага эса соат 18 дан 40 минут ўтганда келади. Берлиндан Москвага поездлар Москва вақти блан соат 16 да жўнаб кетади. Бутун йўл икки суткадан сал кўпроқ вақт ичида босиб ўтилади. Ҳафтада тўрт марта бу поездга Варшавагача борадиган бир вагон қўшимча равишда тиркалади. (ТАСС).

Аҳолига медицина ёрдами янада яхшилансин

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 9-нчи поликлиника ходимлари сўнгги йилларда аҳолига медицина хизмати кўрсатишни бирмунча яхшиладилар, меҳнаткашларни даволашда совет медицинаси фанининг янги ютуқлари ва актив даволаш методларидан самарали фойдаланмоқдалар.

1953 — 1954 йиллар мобайнида поликлиника биноси анча кенгайтирилиб, унда рентген, физиотерапия кабинетлари ташкил этилди ва врачларнинг нормал ишлашлари учун қулай шароит яратилди. Сўнгги 2—3 йил ичида поликлиникага қарашли 7 та филиал очилди, улар малакали врачлар ва медицина ҳамширалари блан тўлиқ та'минланди. Поликлиника территориясидаги саноат корхоналарига хизмат қилучи медицина пунктлари ҳам ишчи, хизматчиларга медицина хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйдилар.

Поликлиника врачларидан район Советининг депутати С. Ашрапова, М. Вергазова ва район врачи Е. Остер, медицина ҳамшираси, район Советининг депутати Ёдгор Олимова ва бошқалар ўзларининг яхши хизматлари блан аҳолининг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Поликлиника бош врачи ўртоқ З. Низомов ёш медицина ходимларига ўзининг кўпйиллик иш тажрибасини қунт блан ўргатмоқда.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, поликлиниканинг аҳолига янада яхшироқ хизмат кўрсатишини та'минлаш учун ҳамма зарур тадбирлар амалга оширилмаётир. Шаҳардаги деярлик ҳамма поликлиникаларда врачлар ва медицина ҳамшираларининг жечки ҳамла дам олиш кунларидаги навбатчилиги ташкил этилган. Ўтган йиллари бу поликлиника ҳузурида ҳам ана шундай навбатчилик бор эди. Броқ кейинги вақтда навбатчилик штати қисқартиб қўйилди. Ваҳоланки, унинг ўрнига бошқа ортиқча штатларни қисқартиш мумкин эди. Шунингдек, 1954 йил бошидан буён поликлиникада консультант врач штати йўқ. Бу эса беморларга ўз вақтида консультация бериб туриш ишини анча қийинлаштириб қўйди.

Поликлиникаларнинг ўз стационари бўлиши ёки унинг яқинроқ бир касалхонага биркитиб қўйилиши оғир касалларга ўз вақтида медицина ёрдами берилишини та'минлайди. Лекин 9-нчи поликлиниканинг шу вақтга қадар бирор стационарга биркитилмаганлиги ҳам беморларга тез ёрдам кўрсатишда анча қийинчилик туғдирмоқда.

Ма'лумки Октябрь район территорияси жуда кенг. Шу сабабли поликлиника врачлари кўпинча ба'зибир оғир касалларнинг уйига ўз вақтида етиб бераолмаётирлар. Чунки, поликлиника ихтиёрида транспорт йўқ. Меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг сессиясида поликлиникага енгил машина ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Афсуски, ижроия комитет раҳбарлари поликлиникани транспорт блан та'минлаш масаласини ҳануз э'тибордан четда қолдирмоқдалар. Поликлиникада тез ёрдам машинаси йўқлигини Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ҳам яхши билади. Лекин, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимидаги ўртоқлар нима учундир бу масалани ўзларига уйчалик алоқаси йўқ, деб ҳис этмоқдалар.

1954

Ерларни чигит экишга сифатли тайёрлайлик

Яқинда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида чигит экишга тайёргарликни тезлатиш тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишга республиканинг область қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари ва бош агрономлари, айрим МТСларнинг бош агрономлари, шунингдек колхоз раислари, юқори ҳосилли бригада ва звено бошлиқлари иштирок этдилар.

Йиғилишда ерни чигит экишга тайёрлаш ва КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорини амалга ошириш юзасидан пахта беда-алмашлаб экишига ва'зи ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Еременко ҳамда министрликнинг старший агрономи ўртоқ Кунявскийлар доклад қилдилар. Бу йил ҳамма ерларга чигит асосан торқатерлаб ва квадрат-уялаб экилади. Бунинг учун албатта ерни чигит экишга пухта тайёрлаш ва чигитнинг қийғос униб чиқиши ҳамда ғўзанинг дастлабки даврдаги нормал ривожланишини та'мин этадиган намни тўплаш зарур. Бу йил қиш қурғоқ келганидан нам тўплаш айниқса зарур бўлиб қолди. Ма'лумки ўтган йил кузда пахта майдонларининг озгина қисми шудгор қилинди. Ҳозир чигит экиш давригача республикада камида 600 минг гектар ерни ҳайдаш керак. Бироқ буни бажариш учун оз вақт қолди. Шу сабабли ерни чигит экишга тайёрлаш учун бошқа усулларни қўллаш талаб этилади. Бу соҳада тупроқни Т. Мальцев методи асосида ишлаш катта ёрдам беради. Жумладан, Андижон область Олтинкўл районидаги Молотов номли, Тошкент область Янгийўл районидаги Сталин номли ва бошқа бирқатор колхозларда ўтган йил айрим участкаларда ерни отвалсиз плугда ағдармасдан ҳайдаб, шунингдек ҳайдамасдан фақат лушчильник борона блан юмшатиб чигит экилганда пахтадан мўл ҳосил олинди. Бу ерларда ҳосил колхозлар бўйича олинган умумий ҳосилдан 4—8, айрим ҳолларда хатто 11 центнердан ортиқ бўлди. Демак ерларни намни сақлаб, чигитни ўз вақтида экиб, ерни эрта ундириб олиш учун ерни отвалсиз плуг блан ағдармасдан ҳайдаш лозим. Шу блан бирга айрим ерларни ҳайдамасдан чизель ёки культиватор блан 10—12 сантиметр чуқурликда юмшатибгина чигит экиш мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам тупроқнинг бет қавати ўзгармайди, ерларни намни сақланади, шу блан бирга чигит ўзи учун мувофиқ жойга тушади ва юмшоқ, майин тупроқ блан кўмилади. Бу чигитнинг ерининг ўз намида униб чиқишини та'мин этади.

Музокарага қатнашганлар отвалсиз плуг блан ҳайдаш чуқурлиги масаласи тўғрисида кўпроқ фикр юритдилар. Октябрь районидаги Каганович номли колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Турсунқулов, Орджоникидзе районидаги Сталин номли колхоз раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Маннонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қишлоқ хўжалик институтининг илмий ходими Язиков ўртоқлар ерни баҳорда отвалсиз плуг блан ҳайдаш чуқурлигини ҳар ернинг ўз шароитига қараб белгилаш зарурлигини та'кидладилар. Бу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан ма'қулланди. Бунда биринчидан ер ҳайдашга яхши етилтирилиши керак, иккинчидан эса тупроқнинг ҳайдов қатлами остидаги намликка қараб 25—27 сантиметр чуқурликда ҳайдалиши, лекин лозим топилган ерларда 20 хатто 15 сантиметр чуқурликда ҳайдалиши лозим. Тупроқ унумдор ва юмшоқ бўлганида ерни ҳайдамасдан, лушчильник, культиватор блан юмшатиб ҳам чигит экиш мумкин.

Йиғилишда ердаги намни сақлаш ва нам запаси ҳосил қилиш масаласи ҳам кенг муҳокама қилинди. Бу йил ёғингарчилик кам бўлди ва баҳорда ҳам кўп ёғингарчилик кутилмайди. Ғўзанинг ўсув даврида сув танқислиги юз бериши эҳтимоли бор. Шунинг учун бутун воситаларни ишга солиб намни сақлаш, шудгорларни бороналаш, сув ресурсларидан тежаб фойдаланилган ҳолда, сизот сувлари чуқур турган, шудгор қилинган ва қилинмаган ерларни суғориб нам запаси ҳосил қилиш керак.

Маккажўхори ва қўқонжўхорини кўпроқ экиш чорвачиликнинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжини тўла қондириши мумкин. Турсунқулов, Маннонов ва Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти директори Ершова ўртоқлар ўз сўзларида шу тўғрида кўпроқ гапирдилар.

Йиғилиш ерни чигит экишга тайёрлаш, чигитни ернинг табиий намида эрта ва қийғос ундириб олиш, бунинг учун ерни ишлаш, алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш тўғрисида тегишли тадбирларни белгилади.

Йиғилиш қатнашчилари Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида бўлиб, ернинг Т. Мальцев конструкциясида ясалган плуг блан ҳамда отвалсиз олинган оддий плугда ағдармасдан ҳайдалишини, шунингдек чизель культиватор ва борона блан юза юмшатилишини кўрдилар.

Пахта етиштиришда меҳнатни тежаш

МОЛОТОВО. (ЎзТАГ). Ўртасарой районидаги биринчи МТСда «Полярная звезда» колхозининг йиллик баланси муҳокама қилинди. Бу ҳужжатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда меҳнатни тежаш учун кураш якунлари яққол ифода этилган.

Кўклам даврида, ишлабчиқариш плани ва кирим-чиқим сметаси тузилаётган пайтдаёқ колхозчилар Ўртасарой районидаги биринчи МТС механизаторлари блан ва қишлоқ хўжалик мутахассислари блан биргаликда меҳнат кунларини ва материал бойликларини тежаш резервларидан фойдаланишни кўзда тутган эдилар. Механизациялаштириш даражасини ошириш ва илғор агротехника усулларини жорий қилиш коллектив хўжаликда тежаш учун курашга асос қилиб қўйилди. Машина блан яганалаш ва ғўза қатор оралаларини узунасига-кўндалангига ишлаш илгариги йилдагига қараганда кенг кўламларда ўтказилди. Пахта майдонининг бешдан бир қисмида пахта ҳосили машина блан териб олинди.

Буларнинг ҳаммаси пахтачиликда камроқ меҳнат сарф қилишга имкон берди. Ўтган йили бир центнер пахтани етиштириш учун 8,43 меҳнат куни сарфланди, бу эса бундан илгариги йилдагига қараганда 3,27 меҳнат куни камроқдир. «Полярная звезда» колхози 60 мингдан ортиқ меҳнат куни тежади.

Меҳнатига яраша

Холмуродака ўз оиласи блан бу йил қанча меҳнат куни ишлагани ва қанча даромад олиши лозимлигини аниқлаш мақсадида колхоз идорасига кириб келди.

— Келинг Холмуродака, — бухгалтер уни самимий қарши олди, — оладиган даромадингиз меҳнатингизга яраша, — деди кулиб, кейин ведомостьларни кўрабошлади, — оилангиз блан 2800 меҳнат куни ишлабсиз. Чиқимлардан ташқари қўлингизга 29 минг сўм нақд пул тегар экан. Бугдойдан 8 тонна.

Холмуродака Дўсматов жуда хурсанд бўлиб кетди. Ёз бўйи қилган меҳнатнинг самараси унинг қалбини шодликка тўлдирди ва янада ғайрат блан ишлашга руҳлантирди.

Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз а'золари ўтган йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб, катта даромад эгаси бўлдилар ҳамда кўп миқдорда пул ва ғалла олишга эришдилар.

Б. ТЕШАБОЕВ.

Раис ҳисоб бергандан кейин...

Гулистон районидаги ўртоқлар Андреев номли колхозни тилга олганларида «яхши колхоз эди...» деб кўядилар. Яна улар «бу колхознинг кўп ерлари жуда қулай, шўри кам, иморат солиса узоққа чидайди, пойдеворини шўр яламайди» деб қўшиб ҳам қўядилар. Мана шу қулай жойга ўрнашган, бир вақтлар яхши колхоз деб ном чиқарган Андреев номли колхоз ҳозир районда камқувват колхозлардан ҳисобланган бўлиб қолди. Колхозда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлишидан бир кун олдин райком секретари ўртоқ Тўрабеков колхозга бориб ишни «пишириб» келди. У, раис ишни эплаолмаётган бўлса ҳам ўз ўрнида қолдириш кераклигини айтди. Бунинг учун ба'зи тайёрлик ишлари кўрилди. Лекин ўртоқ Тўрабеков колхозчиларнинг раисни ўз ўрнида қолдиришга сра ишонмас эди. Шунинг учун у район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Маҳмудхоновга 1-нчи МТС бошлиғинч партия ташкилотнинг секретари Каримовни ҳар эҳтимолга қарши колхозга олиб бориши, раис мажлисда сайланмай қолса Каримовни унинг ўрнига тавсия қилишни тайинлади. Эртаси куни колхозда йиллик ҳисобот сайлов мажлиси бўлди. Мажлисда колхоз раиси Бойқўзи Ботирбеков ҳисоб берди. Раис бундай деди:

— 1954 йилда мен раис бўлган Андреев номли колхозда қишлоқ хўжалигининг ҳамма турлари бўйича план бажарилмади. 485 гектар ердаги пахта майдонидан 28 центнер ўрнига 21 центнердан ҳосил олиниб план бажарилмади. Колхоздаги 28 звенодан 4 таси планни тўла адо этди, холос. Колхозда чорва плани ҳам, чорвадан олинадиган маҳсулот плани ҳам бажарилмади...

Раис ўз докладида «бажарилди» деган сўзни ишлатаолмади.. 1954 йилда экин плани ҳам кам бажарилди. Мош, маккажўхори, пиёз ва бошқа сабзавот экинлари тўла экилмади. 12 гектар ер бўш қолди. Меҳнат ёмон уюштирилди. Колхозда меҳнатга ҳақ тўлаш принципи қўпол равишда бузилди. Колхоз раиси Ботирбеков колхозчиларга қўпол муомилада бўлгани учун кўпгина киши колхоз ишларига яхши қатнашмади. Колхозчиларни меҳнатга рағбатлантириш тўғрисидаги партия ва ҳукумат қарорлари омма ўртасида пухта ишлаб чиқилмади. Колхозчиларнинг меҳнат кунлари ва олган ҳақлари меҳнат дафтарчаларга ўз вақтида ёзиб борилмади. Меҳнат дафтарчалари бригада бошлиқлари қўлида қолиб кетган. Колхоз бухгалтери Кан Маҳар бу муҳим ишни тартибга солмаган. Бунинг устига колхозчиларнинг қилган меҳнатларини камайтириб ёзиш каби ярамас ҳолисалар юз берган. Жумладан, теримчи Ҳаво Мадинова ўтган йили 21 сентябрьдан 30 сентябрьгача 1435 килограмм пахта терган. У кунлик нормани ошириб бажаргани учун 32,19 меҳнат куни олиши лозим эди. Аммо табельчи Усар Тошпўлатов Мадинованга 3,29 меҳнат куни кам ёзган. Теримчи Мулкия Мисалиевага ҳам 2,66 меҳнат куни кам берилган. Умуман 2-нчи бригадада 21 сентябрьдан 10 октябрьгача теримчилардан 80,69 меҳнат куни ғайриқонуний равишда ушлаб қолинган.

Колхозчиларни рағбатлантириш учун берилган айрим саноат моллари колхоз раҳбарлари ва ба'зи югурдаклар ўртасида тақсимланган.

Колхозда хўжасизликка йўл қўйилган. Колхознинг кўпгина қишлоқ хўжалик асбоблари ҳар жойларда қолиб кетган. Ба'зилари занг босиб ишдан чиққан. Хўжалик мудири Файзулла Оқбўтаев қаровсиз ётган қишлоқ хўжалик асбобларини ахтиёт қилиб сақлаш ўрнига «йўқолди», «ишдан чиқди» деб акт тузаберган. Жумладан кўклама олинган 4 та от плугидан 3 таси, 24 та культиватордан 12 таси акт блан йўққа чиқарилган.

Колхозда чорвачилик плани бажарилмагани устига, чорвадан келадиган маҳсулот плани ҳам бажарилмаган. Ҳар сигирдан 600 литр ўрнига 392 литрдан сут сғиб олинган. Ферма мудири Йўлчиев ўзига топширилган вазифани қониқарсиз бажарган. Сигирларни қўлда боқиш ташкил қилинмаган Шунга қарамай колхоз правлениеси бирор марталаферма мудирларининг ҳисобини эшитмаган Колхоз правлениеси тегирмончи Йўлдош Томаев ишини текшириб кўрмаган. Шунинг натижасида «рисоршка»да оқланган шолидан келган тушум колхоз правлениесига топширилмаган, бундан тушган ҳақни тегирмончи Тамаев ўзлаштирган.

Колхоз раиси Ботирбеков ўз докладида булар ҳақида ҳеч нима демади. «Хатоларга йўл қўйдик, энди ишни тузатамиз» деб ва'да берган бўлди. Юз берган аҳволнинг сабаблари очиб ташламади. Шунинг учун саволлар қўйайиб кетди.

Колхозчи ўртоқ Ёров:

— Қачонгача хато қилдим деб бўйнингизга олаберасиз. Ўтган йили ҳам шунақа деган эдингиз-ку? — деди.

Колхозчи Бобоқулов:

— Камчиликларни йўқотиш учун раис ҳаракат қилмаган бўлса, у кишининг ўрнибосари Ўртоқ Аликулов қандай иш блан шуғулланди?.. — деган саволни берди.

Колхозчи Карвонова:

— Пахта плани бажарилмади дедингиз, ишчи кучи етишмайди, интизом ёмон дедингиз. Катталар хотинларини ишга чиқармаса ҳам интизом бўладими, ишчи кучи етишадими, план тўладими? — деб савол берди.

Колхозчи Ўртоқ Аҳмедов бундай деб сўради:

— Нега колхозда сабзи-пиёз экилмайди, колхозчи бўлиб сабзи-пиёзни сотиб оламиз, бу қанақаси...

Кетма-кет берилган бу хиллаги саволлар раисни шошириб қўйди. Биронта саволга қониқарли жавоб беролмади. Шундан сўнг музокаралар қизиб кетди. Колхозчилар ўз сўзларида юз берган камчиликларни дангал очиб ташладилар.

— Колхозимизда пахта плани бажарилмади, — деди ўз сўзида 5-нчи бригада бошлиғи Абдуқодиров, — бунинг сабаблари кўп. Шундан биттаси, биз минерал ўғитлан ёмон фойдаландик. Менинг бригаламга 20 тонна ўрнига 5 тонна минерал ўғит берилди-ю, «10 тонна ўғит олдим» деб қўл қўйиб беришимни талаб қилдилар. Шундайми ўртоқ Кан Маҳар? Мен қўл қўймадим. Биз фойдаланмаган ўғитларнинг ҳаммаси шолипояга кетди. Иккинчидан, шудгор вақтида қилинган ишнинг сифати текширилмади. Ерларимиз 30 сантиметр ўрнига 15—20 сантиметр чуқурликда шудгор қилинди. 25 гектар белапоя лой қолида ҳайдалди. Бу агротехника қоидасини бузиш эмасми? Бундай лой қолида ҳайдалган ердан ҳосил олиб бўладими?! Биз бу аҳволда ҳайдалмасин десак қулоқ солинмади. МТСнинг ҳисобига қараганда бизда трактор блан қилинган ишлар плани ошириб бажарилинти. Агар шундай бўлса, нега пахта плани бажарилмади? Чунки культивациялар кечикиб қилинди. Тракторлар кўп вақт сифатсиз ишлатилди. Терим вақтида колхозчиларга ҳукумат қарорига мувофиқ ҳақ тўлаб борилмади.

— Эшитишимизга қараганда раис ўз ўрнида қолар эмиш. Шунинг учун уни танқид қилиб тузатиб олишимиз керак,— деб сўз бошлади колхозчи Бобоқулов. Унинг бу сўзидан мажлисдан олдин раисни қолдириш тўғрисида тайёрлик кўрилгани яққол сезилиб турар эди. — Раисимиз Ботирбеков колхозчиларни дала ишларида актив қатнашишига эришиш ўрнига кўпполлик, дағаллик қилиб, уларни ўзидан бездириб кўйди. Тажрибали кишилар блан сра маслаҳатлашмайди. Раис, колхозда 485 гектар пахта майдони бор, деб айтди. Бу ёлғон, кўз бўямачилик. Колхозимизда 1954 йилда 473 гектар ерга чигит экилган ҳолда, 485 гектар ерга чигит экилди деб рапорт берилган. Пахта терими вақтида бригада ва звеноларнинг принципи бузилди.

Бобоқуловнинг «Раисни тарбиялаб олишимиз керак» деб мажлисда айтган сўзи жуда ғалати эшитилди. Бу сўз унинг юрагидан чиқариб айтган сўзларига сра ўхшамас эди.

Район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Маҳмудхонов блан Ботирбековнинг иш фаолияти тўғрисида суҳбатлашиб қолсангиз, унинг колхоз раисига муносиб бўлмаган ҳатти-ҳаракатларини, ўтакетган даражада қўпол эканлигини, колхоз ишини орқага суриб юборганини бирма-бир айтиб беради. кўп мисоллар келтиради. Лекин у мажлисда ўзининг бу гапларини эсидан чиқариб юборди. Район партия комитетининг секретари нима деган бўлса, ўшандай қилди.

Бу мажлисда колхоз правлениесининг кетиб қолган а'золари ўрнига янги кишилар сайлаш тўғрисида таклиф бўлди. Ундан сўнг правлениесининг эски а'золарининг қолиш-қолмаслиги тўғрисида бирма-бир овозга қўйиш таклиф қилинди. Лекин колхоз правлениесита янги а'золар сайлаш тўғрисидаги таклиф амалга ошган бўлса ҳам, правлениесининг эски а'золарини «яна овозга қўйиб олинсин» деган таклиф амалга ошмади.

Андреев номли колхозда ҳисобот-сайлов йиғилишининг шу аҳвода ўтиши колхоз демократиясини қўпол равишда бузишдир.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Совет ҳукуматининг 18 февральдаги баёноти тўғрисида чет элларда айтилган фикрлар

АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 февраль. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш Комиссияси кичик комитетининг яқинда ишга бошлаши муносабати блан Совет ҳукуматининг э'лон қилган баёнотининг аҳамиятини ва, айниқса, шу баёнотда айтилган конкрет таклифларнинг аҳамиятини Америка буржуа матбуоти камайтириб кўрсатишга интилмоқда. Америка пропагандачилари бу сафар ҳам ўзларининг сийқаси чиққан одатдаги усулларини қўлланиб, шу таклифларни «пропаганда маневри» деб э'лон қилмоқдалар.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарларидан ма'лум бўлишича, атом уруши хавфини тугатишга қаратилган совет таклифлари АҚШ ҳукмрон доираларинрг ўз агрессив планларида атом қуролига умид боғлаётган намояндаларига ёқмаган. Шу агентликнинг Вашингтондаги мухбири берган хабарга қараганда, «давлат департаменти янги совет баёнотини расмий равишда шарҳлашдан бош тортган, лекин хабардор расмий шахслар бу баёнотни бутунлай мақбул эмас, деб ҳисоблаётганликларини изҳор қилганлар». Мана шу «расмий шахслар» Совет ҳукумати баёнотининг аҳамиятини камайтиришга интилиб, фактларга хилоф равишда, совет таклифлари «музокараларни бир дюйм ҳам илгари сурмайди ва контрольнинг мақбул бўладиган планига Совет ҳукуматининг рози эканлигини акс этдирмайди» деб да'во қилмоқдалар. Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Манн фактларни бузиб, Совет ҳукуматининг баёнотида Совет Иттифоқининг ишчан контроль системаси тузишга рози бўлишини кўрсатучи «ҳеч қандай кўрсатма берилмаган» деб ёзмоқда. Ваҳоланки, Совет ҳукуматининг Баёнотида атом ва водород қуроли запасларини йўқотиш ва қуролли кучлар ҳамда қурол-яроғларнинг миқдорини 1955 йил 1 январьдаги даражада сақлаб қолиш тўғрисида қарорга «риоя қилиш устидан халқаро контроль ўрнатишга Совет ҳукумати тарафдор» деб жуда равшан айтилган эди.

Ба'зи мухбирлар, жумладан «Нью-Йорк таймс» газетасининг ва Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбирлари совет таклифларининг қабул қилиниши Ғарбий Германияни қуроллантиришга халақит бериши мумкин, бу эса Совет таклифларини қабул қилиш натижасида рўй бериши мумкин бўлган «хавфларнинг» бири деб ҳисоблямоқдалар. Қуролли кучлар сонини ва қурол-яроғларни 1955 йил 1 январьгача бўлган даражадан оширмаслик тўғрисидаги мажбурият, деб ёзади Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Вашингтондаги мухбири, «Германияга ўз қуролли кучларини лоақал бир киши ёки битта тўпзамбарак миқдорида кўпайтиришига имкон бермаган бўлур эди».

Шундай бўлса ҳам, ба'зи обзорчилар БМТнинг дипломатик доираларида Совет ҳукумати Баёноти катта таассурот туғдирганлигини э'тироф қилишга мажбур бўлмоқдалар. «БМТ даги дипломаталар, — деб ёзади Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири, — Москванинг таклифини ёппасига қуролсизланиш йўлида қўйилган бир қадам деб табриклядилар».

АНГЛИЯ

ЛОНДОН, 19 февраль. (ТАСС). БМТ қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг яқинда ишга бошлаши муносабатя блан Совет ҳукуматининг э'лон қилган Баёнотя Лондонда кечикиб олинди ва шу сабабли газеталарнинг эрталабки сонларига кирмай қолган бўлса керак. Бироқ, ба'зи газеталар Баёнотнинг қисқа мазмунини босиб чиқардилар.

Рейтер агентлиги Совет ҳукумати Баёнотининг муфассал мазмунини э'лон қилди.

Англия вилоятларидаги газеталарнинг ҳаммаси Совет ҳукуматининг Баёноти тўғрисидаги хабарни босиб чиқардилар. Газеталар Баёнотда атом ва водород бомбалари запасларини йўқ қилиш тўғрисида, атом материалларидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида, зўр бериб қуроллланишни тўхтатиш тўғрисида айтилган гапларни алоҳида кўрсатиб ёзмоқдалар. Ба'зи газеталар Баёнотнинг халқлар қуролсизланиш проблемасининг ҳал қилинишидан ва атом қуролининг тақиқланишидан гоят манфаатдор эканлиги тўғрисидаги сўзларини кўчириб босмоқдалар. «Йоркшир пост» газетаси ўз дипломатик обзорчисининг қисқача шарҳини э'лон қилди. Бу обзорчи Совет ҳукуматининг қурол-яроғларни камайтириш тўғрисидаги таклифларидан кўз юмиб, одатдаги қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида битим йўқлиги сабабли «Ғарб атом қуролини йўқ қилишга рози бўлмайди» деб ёзмоқда.

Рейтер агентлигининг хабар беришича, бугун Англия ташқи ишлар министрлигининг вакили Совет ҳукуматининг Баёнотидаги таклифларни шарҳлашдан бош тортган, аммо бу баёнотдаги қурол-яроғларни ёппасига камайтириш юзасидан Жаҳон конференцияси чақириш тўғрисидаги таклиф ҳақида мазкур вакил бундай деган: «БМТ қуролсизланиш комиссияси Кичик комитетининг сессияси Шарқ блан Ғарбнинг нуқтаи назарларини келиштиришда муваффақият қозонган тақдирлагина Англия қуролсизланиш юзасидан Жаҳон конференциясини чақиришга рози бўлади». Министрликнинг вакили, Совет таклифларя Кичик комитет сессиясида ўрганилади, деб айтган.

Рейтер агентлигининг хабаридан ма'лум бўлишича, Совет ҳукуматининг Баёноти Лондондаги дипломатик доираларни ҳаяжонга солиб қўйган, бу доиралар «совет таклифларининг қабул қилиниши Ғарбни Ғарбий Германияни Атлантик пакти доирасила қуроллантириш тўғрисидаги Парриж битимларидан воз кечишга мажбур қилган бўлур эдики, Ғарб давлатлари бундай қилиш ниятида эмаслар» деб айтмоқдалар.

Франциядa ҳукумат кризиси

ПАРИЖ, 20 февраль. (ТАСС). Франция ҳукумат кризиси давом этмоқда. Кеча Миллат мажлисида парламент группалари раисларининг мажлиси бўлди. Социалист Кристиан Пинонинг янги ҳукумат тузиш йўлидаги уринишлари муваффақиятсиз бўлиб чиққанлиги натижасида рўй берган сиёсий аҳвол шу мажлисда муҳокама қилинди.

Республика президенти Рене Коти министрлар совети раислиги вазифасига тўртинчи кандидатни топиш мақсадида кеча парламент группаларининг раислари блан яна маслаҳатлашди Депутат Вальдек Роше парламентдаги коммунистлар группаси номидан президентга дегики, министрлар совети раиси ва ҳукумат қуйидаги учта асосий шартларни амалга оширган тақдирда Франция коммунистик партияси мамлакатда ва парламентда бундай министрлар совети раисини ва ҳукуматни қўллаб-қувватлайди:

1. Германияни қуроллантиришдан воз кечиш ҳамда Шарқ блан музокаралар олиб бориш ва тинчлик сиёсатини ўтказиш.

2. Меҳнаткашларнинг талабларини, жумладан, ишқаҳини, нафақаларни ва пенсияларни ошириш тўғрисидаги талабларини қондириш.

3. Шимолий Африкада репрессиялар сиёсатидан воз кечиш, мустамлака халқларининг ҳуқуқларини э'тироф қилиш ва уларнинг истак-орзуларини қондириш.

Кечқурун республика президенти радикаллар партиясининг раҳбарларидан бири бўлган Эдгар Форни ўз ҳузурига чақириб, унга янги ҳукумат тузишни таклиф қилди. Эдгар Фор президент ҳузуридан чиқаётганида журналистларга бу таклифга рози бўлиш ёки бўлмаслик тўғрисидаги узил-кесил жавобни «имкон борича тезроқ» бермоқчи эканлигини айтди.

«Юманите-диманш» газетаси янги кандидатни тавсифлаб қуйидагиларни ёзади:

Илгариги ҳукуматларда Фор томонидан ўтказилиб келган сиёсат унинг парламентга тақдим қиладиган программасининг асосий мазмунини пайқаб олишга имкон беради. Фор программасининг асосий маэмуни: «Иқтисодий тараққиёт» тўғрисидаги гаплар ниқоби остида социал соҳада орқага қайтиш ва Париж битимларини тезроқ ратификация қилдиришдан иборатир»

Бироқ, у, — деб давом қилади газета,— халқнинг қаршилигига учрайди, бу қаршилик илгариги ҳукуматларнинг тез фурсатда ағдарилишига олиб келган эди.

«Журналь дю диманш» газетаси Эдгар Форнинг янги ҳукуматни «тезлик» блан тузишга киришмоқчи эканлиги ҳамда ҳукумат составини ва ҳукумат программасини келгуси ҳафтанинг бошида парламентга тақдим қилмоқчи эканлиги тўғрисида хабар бермоқда. Бугун Фор парламентдаги ўнг группаларнинг вакиллари блан музокаралар бошлайди.

Американинг Осиё мамлакатларидаги атом хомаш'ёсини қўлга киритиш планлари

НЬЮ-ЙОРК, 20 февраль. (ТАСС). Америка информация агентликларининг хабарларидан ма'лум бўлишича, АҚШ Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатлари учун тузилган Манила пакти (СЕАТО) қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг Бангкокда яқинда ўтказиладиган кенгашида Осиё мамлакатларидаги атом хомаш'ёси устидан ўзининг контрольлигини ўрнатмоқ учун яна зўр бериб ҳаракат қилиш ниятидадир. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Вашингтон мухбири Спенсер Дэвиснинг «му'табар доиралар»га асосланиб берган хабаридан ма'лум бўлишича, АҚШ давлат секретари Даллес Бангкоклаги кенгашда «ҳамкорлик қилиш» ва атом энергиясидан «тинч мақсадларда фойдаланиш» баҳонаси остида ҳақиқатда Қўшма Штатлар томонидан бошқа мамлакатлардаги атом хомаш'ёлари манба'ларининг босиб олинишини та'миллаш ниятидадир.

Мухбирнинг берган хабарига қараганда, бу масала «Бангкокдаги кенгашнинг иқтисодий жиҳатлари» кўрилаётган вақтда муҳокамага қўйилади. АҚШ фақат Манила пакти қатнашчилари бўлган мамлакатлар блангина эмас, шу блан бирга, Осиёдаги бошқа мамлакатлар блан ҳам ўзининг «ҳамкорлик қилишини» таклиф этади. Мухбирнинг айтишича, Америка программасида бошқа талбирлар блан бир қаторда «уран манба'ларини қидириш» ҳам кўзда тутилади.

Польша ва Ғарбий Германия ўртасидаги савдо муносабатларига доир

ВАРШАВА, 19 февраль. (ТАСС). Буерда Польша Халқ Республикаси блан Ғарбий Германия ўртасида 1955 йилнинг 1 январидан тортиб, 1956 йилнинг 30 июнигача бўлган даврда товар айирбошлаш ва тўловлар тўғрисидаги протокол имзоланди.

Бу протоколга мувофиқ, Польша Ғарбий Германиядан прокат, химикалийлар, бўёқлар, машинасозлик оптика саноати буюмлари ва бошқа товарларни олади. Польша Ғарбий Германияга кўмир, ёғоч-тахта, газлама, машинасозлик саноати буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва шу синфгариларни етказиб беради.

АВСТРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ВЕНА, 19 февраль. (ТАСС). Хабар беришларига кўра, 17—18 февральда Австрия Коммунистик партияси Марказий комитетининг IV пленуми бўлган.

Марказий комитетнинг секретари Фридль Фюрнберг сиёсий аҳвол тўғрисида доклад қилган. Доклад муҳокама қилинганидан кейин, Австрия мустақиллиги тикланган куннинг 10 йиллиги муносабати блан тантанали байрам тадбирларини кўриш тўғрисида, Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг Вена Мурожаатига имзо тўплаш кампаниясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарорлар қабул қилинган ва коммунистик матбуотни тарқатиш ойлиги муносабати блан меҳнаткашларга қарата мурожаат чиқарилган.

Пленум Марказий комитет секретари Рудольф Рихтернинг кун тартибидаги иккинчи масала — «Ташкилий масалалар» юзасидан докладини эшитди.

Болгарияда Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг Мурожаатига имзо тўплаш бошланди

СОФИЯ, 19 февраль. (ТАСС). Софияда тинчликни ҳимоя қилиш Миллий комитети бюроси ижроия комитети ва Болгария Ватан фронти миллий кенгаши доимий бюросининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисда жасаба союзлари Марказий совети, халқ ёшларининг Димитров союзи, Болгария-Совет жамиятлари союзи, демократик хотин-қизлар комитети, Фанлар академияси, Болгария ёзувчилари союзи, рассомлар союзи, журналистлар марказий уйи, Болгария Қизил Крестининг вакиллари қатнашдилар.

Тинчликни ҳимоя қилиш Миллий комитетининг раиси академик Г. Наджаков мажлисда Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюроси Вена сессияси ишларининг якунлари тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюросининг қарорлари ма'қулланди ва Болгарияда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатига 21 февральдан бошлаб имзо тўплаш ҳақида қарор чиқарилди. 1955 йил апрель ойида Болгария тинчлик тарафдорларининг тўртинчи миллий с'езлини чақириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

Пианиночиларнинг Шопен номли 5-нчи халқаро конкурси

ВАРШАВА, (ТАСС). 22 февральда Варшавада пианиночиларнинг Шопен номли 5-нчи халқаро конкурси бошланади. Дун'ёнинг кўп мамлакатларидаги музика жамоатчилиги бу конкурсга жуда қизиқиб қарамоқда. 33 мамлакатдан 130 дан ортиқ пианиночи конкурсда қатнашишга рози бўлганлигини билдирди. Конкурс қатнашчилари Варшавага келаётган бошладилар.

Кеча буерга совет пианиночиларидан Ашкенази. Лельчук, Паперно, Сахаров, Спялова ва Штаркман келдилар. Конкурс бюросининг совет а'золари профессорлардан Оборин ва Зак ҳам келдилар. Варшавага Хитой Халқ Республикаси, Франция, Болгария, Эрон, Мексика ва дун'ёдаги бошқа кўп мамлакатларнинг пианиночилари ҳам келдилар.

Конкурс Варшаванинг янги тикланган филармонияси биносида ўтказилади.

—0—

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ва Тошкентда ҳаво ўзгариб турса ҳам, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 15—20 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22 ва 23/II да **Қутлуғ қон.**

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги немис бадиий фильми **Хатарли юк.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
23 февральда
«АЗАМАТ ШЕРЛАР»
АТТРАКЦИОНИНИНГ ДАВОМИ
Ўргатучилар — артист **Тамара Буслаева** ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Александр Буслаев.**
3 бўлимда
катта цирк тамошаларн.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

2-НЧИ ПИВО ЗАВОДИГА
шишаларга пиво қуйиш цехига ва бошқа цехларга ишчилар юкчилар
КЕРАК
Адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўча, Аллея тупик, 46-нчи уй (1 ва 4-нчи трамвайнинг «Комсомол кўли» остановкаси).

Казанская кўча, Техник проезд, 1-нчи уйда туручи **Ўзбек Яруллович Вафиннинг** шу уйда туручи Фавзия Абдуллаевна Мангушевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 00663. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А. — 1376.